Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 121 (5982).

22 ИЮНЬ ЧОРШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАРШАВАГА КЕЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косыгин бошчилигидаги совет делегацияси 20 июнь куни Москвадан Варшавага жўнаб кетди. Делегация Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXXI мажлисида қатнашади.

Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Н. К. Байбаков, К. Ф. Катушев, В. А. Кириллин, СССР Министрлари В. Ф. Гарбузов, П. С. Непорожний, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Н. Родионов, Совет Иттифоқининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакилининг биринчи ўринбосари В. Н. Титов бор.

Аэродромда делегацияни ўртоқ А. П. Кириленко, К. Т. Мазуров, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

ВАРШАВА, 20 июнь. (ТАСС). Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг XXXI мажлисида қатнашиш учун СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косыгин бошчилигидаги совет делегацияси бу ерга келди.

Делегацияни аэропортда Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси П. Ярошевич, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида СССРнинг ПХРдаги элчиси С. А. Пилотович бор эди.

МАТБУОТНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

Улуғ Октябрь ғалаба қилганидан кейин В. И. Ленин Советларнинг иккинчи Бутунроссия съездида сўзлаган нутқида халқнинг ижодий кучларига, меҳнаткашларнинг онглилиги, иродаси, туб манфаатлари ва орзу-умидларини амалда мужассамлаштрадиган жамият ва давлатни вужудга келтириш, уни ҳар қандай ҳамлалардан ҳимоя қилиш ва тараққиётнинг юксак чўққиларига оғишмай кўтариш қобилиятига чуқур ишонганлигини билдирди. «Бизнинг тасаввуримизча,— деди у,— давлат омманинг онглилиги билан кучлидир. Омма ҳамма нарсадан хабардор бўлиб, ҳамма нарса ҳақида фикр юрита олган ва ҳамма ишни онгли суратда бажарган тақдирда давлат кучлидир».

Ленин берган баҳонинг тарихан ҳаққонийлиги, совет кишиларнинг юксак онглилиги ҳозир СССР янги Конституциясининг лойиҳаси бутун халқ ўртасида муҳокама қилинаётган бир пайтда алоҳида куч билан намоён бўлмоқда. Бу муҳокама актив ва оммавий тус олганлиги, унинг ватанпарварлик йўналиши меҳнаткашлар жонажон партиясининг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан маъқуллаётганлигини кўрсатиб турибди. Миллионларча меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорларини, Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган доклади қондаларни ва хулосаларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилиб, партия XXV съездининг қарорларини янада муваффақиятли амалга оширишга, коммунистик қурилишнинг янги марраларини эгаллашга интилмоқдалар.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари мамлакат асосий қонуни лойиҳасини муҳокама қилишда катта роль ўйнайди. Матбуот органлари миллионларча совет кишиларининг амалий тажрибасини, билимини, меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини чинакам ифода этиши керак. Партиянинг Конституция лойиҳасини ғоят кенг, эркин ва чинакам амалий муҳокама қилишни таъминлаш, аҳоли барча табақалари нафақат мояндаларини бу муҳокамага жалб этиш тўғрисидаги йўл-йўриқларни тамомила ана шу тадбирларга тааллуқлидир.

Бунда гап аввало матбуотнинг меҳнаткашлар томонидан ўртага қўйиладиган масалаларнинг моҳияти тўғрисида, партия комитетларининг муҳокамага бағишланган пленумлари ва маҳаллий советларнинг сессияларн ҳақида, гражданларнинг таклифлари ва хатлари, чет эллардa баён этилган фикрлар тўғрисида ўз вақтида, мунтазам суратда ва аниқ-равшан ахборот бериб туришн тўғрисида боради. СССР янги Конституцияси лойиҳасининг мазмунини ва унинг мамлакат ички ҳаёти учун, ер юзида социализм, тинчлик ва тараққиёт кучларини мустаҳкамлаш учун аҳамиятини ҳар томонлама очиб бериш, бу ҳужжатнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб бериш лозим. Партия ва совет органлари, касаба союзлари, комсомол, ижодий союзлар ва бошқа жамоат ташкилотларининг лойиҳани муҳокама қилиш билан боғланган ташкилотчилик ишини матбуотда кенг акс эттириш керак. Буларнинг ҳаммасини ривожланган социализм жамиятининг асосий қонун лойиҳасида тўлиқ ифодасини топган тарихий ғалабаларни, Коммунистик партиянинг раҳбарлик ролини, совет давлатининг инсонпарварлик моҳиятини аниқ-равшан кўрсатиб бериш билан бирга қўшиб олиб бориш муҳимдир.

Газета ва журналлар, телевиденье ва радио эшиттириш почтаси меҳнаткашларнинг СССР Конституциясининг лойиҳасига доир таклиф ва мулоҳазалари баён этилган жуда кўп хатларни олиб турибди. Газетхонлар мамлакат босиб ўтган мисли-сиз йўлнинг тафсилотларини эсга олиб, диққат-эътиборни умумдавлат аҳамияти ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган проблемаларга жалб этмоқдалар, кишиларнинг ватан тақдирини акс эттирган завқли тақдири тўғрисида ҳикоя қилмоқдалар, ўз меҳнат коллективларининг муваффақиятларига муносиб баҳо бермоқдалар ва камчилик ҳамда нуқсонларни уддабуронлик билан кескин танқид этмоқдалар. Хуллас, ҳозирги кунда олинаётган хатлар ичида жуда кўп мароқли, актуал мавзулар ўртага қўйилмоқда. Бу хатлардан самарали фойдаланиш учун ҳар бир редакцияда уларни аниқ ҳисобга олиш, тез қараб чиқиш ва умумлаштириш, жамоатчиликнинг эътиборига сазовор бўлган хатларни танлаб олиб, газета саҳифаларида босиб чиқариш керак. Муҳокама давомида пайдо бўладиган саволларга далиллар билан жавоб қайтириш, яхши асослаб берилган ҳар бир танқидий сигнал юзасидан камчиликларни тез бартараф қилишга ёрдам бериш ҳамда кўрилган тадбирлар тўғрисида матбуотда ахборот бериб туриш зарур. Оммaнинг овозига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш — ана шу кўп қиррали ишга нисбатан қўйилаётган асосий талабдир.

Аммо умумхалқ муҳокамаси фикр ва мулоҳазаларни қамраб олиш билангина чекланмай, социалистик Ватан қудратини янада мустаҳкамлашдан астойдил манфаатдор бўлган, совет халқларининг бугунлмас дўстлиги руҳи билан суғорилган совет кишиларининг собитқадам ҳаракатларини ҳам акс эттиради. Бизнинг матбуотимиз босиб чиқарадиган материалари ва омма ўртасида олиб борадиган ташкилотчилик иши билан жамият ишларини бошқаришда меҳнаткашларни тобора кенг қатнаштиришга, давлат аппаратини такомиллаштиришга, жамоат ташкилотларининг активлигини ўстиришга ёрдам бериш лозим. Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг мажлисида таъкидлаб ўтганидек, «Халқнинг партия ва ҳукуматга ишончи эммамизга кўп вазифаларни юклайди. Бу ишонч ҳаммамиздан янада яхшироқ ишлашни, совет кишиларининг ошиб бораётган талаб-эҳтиёжларига янада кўпроқ эътибор беришимизни тақозо қилади».

Конституция лойиҳаси шонли байрам — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги арафасида муҳокама қилинмоқда. Совет кишилари бу байрамни беш йиллик планларни муваффақиятли бажариш учун курашда янгидан-янги ғалабалар билан кутиб олишга тайёрланмоқдалар. Социалистик мусобақадаги меҳнат жўшқинлигининг доим ҳис этиш, ҳар бир меҳнат коллективида ишнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга саботматонат билан эришиш, шу кунларда оммaнинг ташаббуси ва ижоди вужудга келтираётган яхши ишларнинг ҳаммасини зўр ғайрат билан қўллаб-қувватлаш — матбуот, телевиденье, радионинг бурчидир.

Шу тариқа, матбуот жуда кўп ишларни бажариши керак. Партия комитетларининг ўз матбуот органларига раҳбарликни такомиллаштиришлари жуда муҳимдир. Ҳар бир редакцион коллективнинг фаолиятини пухта ўйлаб планлаштириш, авторлар активига кенг таяниш, партия ва совет кадрларини, олимларни, маданият арбобларини, мутахассисларни асосий қонун лойиҳаси қондаларини муҳокама ва пропаганда қилишга жалб этиш лозим. Материалларнинг ғоявий мазмуни, сифатига юксак талабчанлик билан қараб, масалага шу тарзда ёндошиш бутун ишни КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми йўл-йўриқлари талаб этган даражада олиб бориш имконини беради.

Муҳокаманинг тўлақонли ва оммавий тус олиб, унда бутун халқнинг чинакам иштирок қилишини, унинг актуал мазмунига эга бўлиб, амалий, конкрет характерда уюштирилишини таъминлаш— матбуотимизда янги Конституция лойиҳасини муҳокама қилишга хос хислат бўлиб қолиши керак. Бу эса муҳокаманинг бутун ижтимоий ҳаётни янада активлаштириш, коммунизм қураётган совет кишиларининг ижодий ташаббусини ўстиришда қудратли омил бўлиб қолиши учун гаровдир.

[«ПРАВДА» газетасининг 21 июндаги бош мақоласи].

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ФРАНЦИЯГА ВИЗИТИ

СОВЕТ–ФРАНЦИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

РАМБУЙЕ, 20 июнь. (ТАСС). Бу ерда тушдан кейин КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан Франция Республикасининг президенти В. Жискар Д'Эстэн ўртасида музокаралар бошланди.

Совет томонидан: музокараларда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, Граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, СССРнинг Франциядаги элчиси С. В. Червоненко, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, ТАСС Бош директори Л. М. Замятин, Ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Ю. В. Дубинин;

Франция томонидан: Ташқи ишлар министри Л. де Гиренго, Ташқи савдо министри А. Росси, Франциянинг СССРдаги элчиси Б. Де Лесс, президентнинг матбуот бўйича маслаҳатчиси Ж. Ф. Лека, президентнинг дипломатик маслаҳатчиси Г. Робен, Ташқи ишлар министрлиги департаментларининг директорлари А. Фроман-Мерис, Ж. Андреани қатнашмоқдалар.

Л. И. Брежнев билан В. Жискар Д'Эстэн Совет — Франция муносабатларини янада ривожлантиришга доир бир қанча муҳим масалаларни қараб чиқдилар ва янги катта шартномалар тузиш имкониятларини муҳокама қилдилар

Музокаралар давомида Совет — Франция муносабатлари ҳар иккала мамлакат ва уларнинг халқлари манфаатлари йўлида самарали ривожланаётганлиги уқтириб ўтилди. Совет — Франция ҳамкорлигининг яхши истиқболга эга эканлигига ишонч билдирилди.

Томонлар ҳар иккала мамлакатда асосий Совет — Франция ҳужжатлари — СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик принциплари ва сиёсий маслаҳатлашув тўғрисидаги протоколнинг оғишмай бажарилишига катта аҳамият берилаётганлигини таъкидладилар. Шу ҳужжатларда белгиланган йўлни бундан кейин ҳам ривожлантиришга ҳар икки томоннинг интилиши икки томонлама муносабатларни кенгайтиришга, халқаро масалаларнинг тобора кенгроқ доирасида Совет Иттифоқи билан Францияннг биргаликда ҳаракат қилишини чуқурлаштиришга олиб боради, деган фикр изҳор этилди.

Халқаро проблемалар муҳокама қилинаётган пайтда ядро қуролининг тарқалишига қарши курашнинг муҳим эканлиги масаласига тўхталиб ўтилди. Томонлар ядро қуролини тарқатмаслик ва бу соҳада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашишга қатъий аҳд қилганликлари таъкидланди.

Шунингдек ядро энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорликни янада кучайтириш масалалари қараб чиқилди.

Л. И. Брежнев билан В. Жискар Д'Эстэн халқаро кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш ва янада чуқурлаштириш масаласини атрофлича қараб чиқдилар ва СССР билан Франция ўзининг ташқи сиёсатида бундан кейин ҳам шу йўлга амал қилишга қарор берганлигини таъкидладилар.

Музокаралар давом эттирилади. Музокаралар конструктив руҳда, ҳамжиҳатлик ва дўстлик вазиятида ўтмоқда.

* * *

РАМБУЙЕ, 21 июнь. (ТАСС). Бугун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан Франция республикасининг президенти В. Жискар Д'Эстэн музокаралари давом эттирилди.

Музокараларда Совет томонидан: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, Граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев, СССРнинг Франциядаги элчиси С. В. Червоненко, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. В. Загладин, ТАСС Бош директори Л. М. Замятин, Ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси Ю. В. Дубинин;

Франция томонидан: Бош министр Р. Барр, Ташқи ишлар министри Л. Де Гиренго, Бош министр ҳузуридаги экономика ва молия мухтор министри Р. Булен, Ташқи савдо министри А. Росси, Францияннг СССРдаги элчиси Б. Де Лесс, президентнинг матбуот масалалари бўйича маслаҳатчиси Ж.-Ф. Лека, президентнинг дипломатик маслаҳатчиси Г. Робен, президентнинг маслаҳатчиси Ж.-П. Дюте, Ташқи ишлар министрлиги экономика департаментининг директори А. Фроман-Мерис, экономика ва молия министрлиги ташқи иқтисодий алоқалар бошкармасининг директори Ж. Де Морель, Ташқи ишлар министрлиги Европа бўлимининг директори Ж. Андреани қатнашдилар.

Хельсинкидаги кенгаш якунловчи актининг бажарилиши асосида Европадаги ахвол тўғрисида фикрлашиб олинди. Шу муносабат билан Совет Иттифоқи ва Франция биргаликда ва шу мамлакатларнинг алоҳида-алоҳида ҳар бири бундан буён ҳам шу акт ҳамма моддаларини амалга ошириш йўлида ҳаракат қилаверишга таййргарликлари таъкидланди.

Совет томони ғарб давлатлари сиёсатида кескинликни юмшатиш жараёнининг ривожланиши билан мувофиқ келмай Хельсинки шартномаларига зид турувчи аломатлар ҳусусида ташвишланаётганлигини билдирди.

Жумладан, Европа иқтисимини бир-бирига бундан буён янада кескинроқ қарши қўйиш йўлидаги ҳаттиҳаракатлар замон руҳига, кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш манфаатларига, Европада тинчлик ва хавфсизлик манфаатларига мос келмас эди, деган фикр билдирилди.



Орли аэропортида кутиб олиш пайти. «Известия»нинг махсус мухбири С. Смирнов телефотоси.

Томонлар кескинликни юмшатиш масалаларини муҳокама қилаётиб, ядро асрида конфронтациядан қочишга амалда имкон бера оладиган бирдан-бир йўл — кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш, чунончи сиёсий жиҳатдан кескинликни юмшатиш ҳарбий жиҳатдан кескинликни юмшатиш билан қўшиб олиб борилиши керак, деб таъкидладилар.

Музокаралар чоғида қуролланиш пойгасини чеклаш ва тўхтатиш масалаларига, қуролсизланиш проблемасига катта эътибор берилди. Шу билан бирга, ҳар икки томон қуролланиш пойгасига барҳам бериш зарурлигига ишонганлигини билдирди.

Президент В. Жискар Д'Эстэн муҳокама этилаётган масалалар ҳусусида Франция томонининг нуқтаи назарини баён қилиб жумладан, Франция кескинликни юмшатиш сиёсатига содиқлигини ҳамда у ядро қуроли яна ҳам тарқалиб кетишининг олдини олиш борасида куч-гайратларни активлаштираётганлигини таъкидлади.

Икки томонлама муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш Хельсинкида қабул қилинган ҳар томонлама ва узоқ муддатли программа амалга оширилишига шубҳасиз таъсир ўтказиши қайд этилди.

Музокаралар конструктив, дўстона вазиятда ўтди. Бу музокаралар давом эттирилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ КОМИССИЯЛАРИДА

21 июнда Ўзбекистон ССР Олий Совети бир қанча доимий комиссияларининг мажлислари бўлди.

Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги комиссияларининг қўшма мажлисида автоном республикада ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисида Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг ҳисоботи тингланди.

Депутатлар таъкидлаб ўтганидек, Қорақалпоғистон АССРда бу соҳада муайян муваффақиятларга эришилди. Олти йил ичида ҳайдаб экин экиладиган майдонлар 68,8 минг гектар, шу жумладан янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига 17,3 минг гектар кенгайди. Деҳқончилик маданияти ўсди, пахта, маккажўхори, сабзавот ҳосилдорлиги ошди. Шу билан бирга, мажлисда автоном республикадаги кўп хўжаликлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун барча имкониятлардан ҳали фойдаланмаётганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Комиссияга ер ва сув ресурсларидан самарлироқ фойдаланиш тўғрисида тегишли тавсиялар берилди.

Хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш ва социал таъминот масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссияларнинг қўшма мажлисида маҳаллий советларнинг бир ёшгача бўлган болалар сихат-саломатлигини сақлаш соҳасидаги иши тўғрисида Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ҳисоботи кўриб чиқилди.

Депутатлар бу соҳадаги ишларнинг аҳволини ҳар томонлама таҳлил этиб, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш ишларини янада такомиллаштириш зарур эканлигига шаҳар ижроия комитети, турли министрликлар ва идораларнинг эътиборини жалб этдилар.

Сўнгра хотин-қизларнинг меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссия ўз мажлисида Ўзбекистон халқ хўжалигида ишлаётган хотин-қизларнинг сиҳат-саломатлиги ва меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза этиш қандай аҳволда эканлиги тўғрисида министрликлар ҳамда идоралар раҳбарларининг ахборотини тинглади. Мажлисда хотин-қизларнинг меҳнати тўғрисида қонунда белгиланган қоидаларга қаттиқ риоя қилиш, уларга медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди. Қишлоқ меҳнаткаш хотин-қизларининг меҳнат шароитларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларга алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссияси мажлис ўтказди. Бу мажлисда директив органларнинг халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш масалаларини ишлаб чиқиш юзасидан берган топшириқлари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари томонидан қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди.

Депутатлар республика Фанлар академияси кибернетика институти ва ундаги ҳисоблаш маркази автоматлаштирилган бошқариш системаларини вужудга келтириш ва ҳисоблаш техникасини жорий этиш соҳасида ижобий иш олиб борганлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумига иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, КПСС XXV съездининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Фанлар академияси 250 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида баён қилинган қоида ва хулосаларга мувофиқ, ишлаб чиқариш билан алоқани янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга илмий-тадқиқот институтларининг эътиборини жалб қилиш тавсия этилди.

Ташқи ишлар комиссиясининг мажлисида социалистик ҳаёт тарзини, Ўзбекистоннинг совет ҳокимияти йилларида экономика, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятларини пропаганда қилиш тўғрисида гап борди.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ҲАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 21 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан буён.

Калинин	0,6	70,2
Ўрта Чирчиқ	0,3	69,1
Оққўрғон	0,4	69,0
Қуйи Чирчиқ	0,7	65,6
Бўка	1,2	65,4
Пискент	2,3	65,4
Бекобод	0,2	63,8
Тошкент	2,1	61,5
Оҳангарон	0,7	61,4
Чиноз	1,9	55,7
Орджоникидзе	2,9	54,5
Янгийўл	0,5	49,6
Юқори Чирчиқ	0,5	45,7
Бўстонлиқ	1,4	40,3
Область бўйича:	1,0	60,4

ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРАМИЗ

Илгари хабар бериб ўтилганидек, яқинда область партия комитети бюро йиғилишида мусобақадош Жиззах области вакиллари ўзаро текшириш бригадаси иш якуни муҳокама қилинди.

— Бизнинг ўзаро текшириш бригадамиз, — деди Жиззах область партия комитети секретари М. Ҳасанов, — икки кун давомида областдаги кўпгина ,хўжаликларнинг далаларида бўлиб, социалистик мажбуриятнинг қандай бажарилаётганлиги текширишдан ўтказди. Шуниигдек, биз чорвадорлар, галлакорлар, соҳибкорлар ва бошқа касб эгаларининг ишлари билан ҳам танишдик.

Область меҳнаткашлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан зиммага олган мажбуриятларини бажариш йўлида катта иш қилмоқдалар. Чиноз районидаги Киров номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Охунова, Бекобод районидаги Ойбек номли совхоздан КПСС XXV съезди делегати В. Тўхтабоев, Пискент районидаги Тельман номли колхоздан Х. Қодиров, Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозидан Кан Анатолий бошлиқ ўртоқлар гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштириш учун курашиб, яхши натижаларга эришганлар. Илғорлар даласида ғўза бир текис ривожланмоқда. Барча агротехника тадбирлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилаётир. Мусобақадошларимиз ўз ишларини тупроқ шароитига, об-ҳавонинг қандай келишига мослаштириб олиб бораётганликлари, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ишлари ана шу асосда ташкил этилаётганлиги биз учун ибратлидир.

Юқори Чирчиқ районидаги «Правда», «Политотдел», Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози, «Заря коммунизма» ва Навоий номли колхозлар, Қуйи Чирчиқ районидаги «Москва», Янгийўл районидаги «Коммунизм», «Ленинизм», колхозларида ғўза парвариши, айниқса, яхши ташкил этилган. Мазкур хўжаликларда ғўзани суғориш, озиқлантириш, культивация ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда.

Область партия ва совет органлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, хўжаликларнинг раҳбарлари меҳнатни ташкил этиш, оммавий-сиёсий, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишларига алоҳида аҳамият бермоқдалар.

Бу йил Тошкент области деҳқонлари ажойиб ташаббус бошладилар. Улар ҳар гектаридан кам деганда 60 центнердан пахта, 100 центнердан маккажўхори дони йиғиб олиш, кам деганда 280 минг тонна ғалла ҳосили етиштириш, шу жумладан, 64 минг тонна шоли ва 117 минг тонна маккажўхори дони етиштириш учун бел боғлаганлар. Кўпгина юз центнерчи маккажўхорикорларнинг далаларида юксак маҳбурият ва ҳаракат руҳига, кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш манфаатларига мос келмас эди, деган фикр билдирилди.

Томонлар кескинликни юмшатиш масалаларини муҳокама қилаётиб, ядро асрида конфронтациядан қочишга амалда имкон бера оладиган бирдан-бир йўл — кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш, чунончи сиёсий жиҳатдан кескинликни юмшатиш ҳарбий жиҳатдан кескинликни юмшатиш билан қўшиб олиб борилиши керак, деб таъкидладилар.

Музокаралар чоғида қуролланиш пойгасини чеклаш ва тўхтатиш масалаларига, қуролсизланиш проблемасига катта эътибор берилди. Шу билан бирга, ҳар икки томон қуролланиш пойгасига барҳам бериш зарурлигига ишонганлигини билдирди.

Президент В. Жискар Д'Эстэн муҳокама этилаётган масалалар ҳусусида Франция томонининг нуқтаи назарини баён қилиб жумладан, Франция кескинликни юмшатиш сиёсатига содиқлигини ҳамда у ядро қуроли яна ҳам тарқалиб кетишининг олдини олиш борасида куч-гайратларни активлаштираётганлигини таъкидлади.

Икки томонлама муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш Хельсинкида қабул қилинган ҳар томонлама ва узоқ муддатли программа амалга оширилишига шубҳасиз таъсир ўтказиши қайд этилди.

Музокаралар конструктив, дўстона вазиятда ўтди. Бу музокаралар давом эттирилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумига иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, КПСС XXV съездининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Фанлар академияси 250 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида баён қилинган қоида ва хулосаларга мувофиқ, ишлаб чиқариш билан алоқани янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга илмий-тадқиқот институтларининг эътиборини жалб қилиш тавсия этилди.

Ташқи ишлар комиссиясининг мажлисида социалистик ҳаёт тарзини, Ўзбекистоннинг совет ҳокимияти йилларида экономика, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятларини пропаганда қилиш тўғрисида гап борди.

(ЎзТАГ).

ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРАМИЗ

Илгари хабар бериб ўтилганидек, яқинда область партия комитети бюро йиғилишида мусобақадош Жиззах области вакиллари ўзаро текшириш бригадаси иш якуни муҳокама қилинди.

— Бизнинг ўзаро текшириш бригадамиз, — деди Жиззах область партия комитети секретари М. Ҳасанов, — икки кун давомида областдаги кўпгина ,хўжаликларнинг далаларида бўлиб, социалистик мажбуриятнинг қандай бажарилаётганлиги текширишдан ўтказди. Шуниигдек, биз чорвадорлар, галлакорлар, соҳибкорлар ва бошқа касб эгаларининг ишлари билан ҳам танишдик.

Область меҳнаткашлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан зиммага олган мажбуриятларини бажариш йўлида катта иш қилмоқдалар. Чиноз районидаги Киров номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Охунова, Бекобод районидаги Ойбек номли совхоздан КПСС XXV съезди делегати В. Тўхтабоев, Пискент районидаги Тельман номли колхоздан Х. Қодиров, Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозидан Кан Анатолий бошлиқ ўртоқлар гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштириш учун курашиб, яхши натижаларга эришганлар. Илғорлар даласида ғўза бир текис ривожланмоқда. Барча агротехника тадбирлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилаётир. Мусобақадошларимиз ўз ишларини тупроқ шароитига, об-ҳавонинг қандай келишига мослаштириб олиб бораётганликлари, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ишлари ана шу асосда ташкил этилаётганлиги биз учун ибратлидир.

Юқори Чирчиқ районидаги «Правда», «Политотдел», Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози, «Заря коммунизма» ва Навоий номли колхозлар, Қуйи Чирчиқ районидаги «Москва», Янгийўл районидаги «Коммунизм», «Ленинизм», колхозларида ғўза парвариши, айниқса, яхши ташкил этилган. Мазкур хўжаликларда ғўзани суғориш, озиқлантириш, культивация ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда.

Область партия ва совет органлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, хўжаликларнинг раҳбарлари меҳнатни ташкил этиш, оммавий-сиёсий, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишларига алоҳида аҳамият бермоқдалар.

Бу йил Тошкент области деҳқонлари ажойиб ташаббус бошладилар. Улар ҳар гектаридан кам деганда 60 центнердан пахта, 100 центнердан маккажўхори дони йиғиб олиш, кам деганда 280 минг тонна ғалла ҳосили етиштириш, шу жумладан, 64 минг тонна шоли ва 117 минг тонна маккажўхори дони етиштириш учун бел боғлаганлар. Кўпгина юз центнерчи маккажўхорикорларнинг далаларида юксак маҳбурият ва ҳаракат руҳига, кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш манфаатларига мос келмас эди, деган фикр билдирилди.

Томонлар кескинликни юмшатиш масалаларини муҳокама қилаётиб, ядро асрида конфронтациядан қочишга амалда имкон бера оладиган бирдан-бир йўл — кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш, чунончи сиёсий жиҳатдан кескинликни юмшатиш ҳарбий жиҳатдан кескинликни юмшатиш билан қўшиб олиб борилиши керак, деб таъкидладилар.

Музокаралар чоғида қуролланиш пойгасини чеклаш ва тўхтатиш масалаларига, қуролсизланиш проблемасига катта эътибор берилди. Шу билан бирга, ҳар икки томон қуролланиш пойгасига барҳам бериш зарурлигига ишонганлигини билдирди.

Президент В. Жискар Д'Эстэн муҳокама этилаётган масалалар ҳусусида Франция томонининг нуқтаи назарини баён қилиб жумладан, Франция кескинликни юмшатиш сиёсатига содиқлигини ҳамда у ядро қуроли яна ҳам тарқалиб кетишининг олдини олиш борасида куч-гайратларни активлаштираётганлигини таъкидлади.

Икки томонлама муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш Хельсинкида қабул қилинган ҳар томонлама ва узоқ муддатли программа амалга оширилишига шубҳасиз таъсир ўтказиши қайд этилди.

Музокаралар конструктив, дўстона вазиятда ўтди. Бу музокаралар давом эттирилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумига иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, КПСС XXV съездининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Фанлар академияси 250 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида баён қилинган қоида ва хулосаларга мувофиқ, ишлаб чиқариш билан алоқани янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга илмий-тадқиқот институтларининг эътиборини жалб қилиш тавсия этилди.

Ташқи ишлар комиссиясининг мажлисида социалистик ҳаёт тарзини, Ўзбекистоннинг совет ҳокимияти йилларида экономика, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятларини пропаганда қилиш тўғрисида гап борди.

(ЎзТАГ).

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ



ИЛҒОР СУТ СОҒУВЧИ

ОҚҚУРҒОН районидаги Калинин номли колхознинг сут соғувчиси Саломат Мирзаевага 18 бош сигир биркитилган. У моллар боқувини яхшилаб, кунига ҳар бир сигирдан 8—9 литрдан сут соғиб олмоқда. Шу туфайли план ортиғи билан бажарилди. Эндиликда иккинчи ярим йиллик ҳисобига маҳсулот топширилаётир. Суратда: С. Мирзаева.

Ҳ. Аввалов фотоси.

ДЎСТЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАСИ

СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасини зўр эътибор ва қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Унинг ҳар бир сўзи равшан, мазмунли ва илҳомбахшдир. Бу янги Конституция лойиҳаси дунёда биринчи социалистик Ватанимизда партия раҳбарлигида юз берган беқиёс тарихий тараққиётнинг ифодасидир. Бундай ўзгаришларни ҳар бир совет граждани ўз турмуш шароити, яшаб турган жойи мисолида ҳис қила олади ва фахрланади.

Бу ўзгаришларни бизнинг совхозимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, хўжалигимиз экин битмайдиган тошлоқ Ушоқли қишлоғига жойлашган. Кичкина бу қишлоқ ҳозир шаҳар қиёфасини олянти. Янги клуб, мактаб, болалар боғчаси, магазин, маъмурий ва турар жой бинолари қад кўтарган. Барча хоналарда яшовчи кишилар табиий газ, водопровод ва канализациядан фойдаланмоқдалар. Уларнинг турмушлари фаровон. Ҳар бир ишловчи кишининг ўртача ойлик иш ҳақи 176 сўмни ташкил қилади. Е. Созанова, А. Китаев, Н. Астафева, А. Явирский сингари илғор ишчилар ойига 200—320 сўмгача иш ҳақи олишяпти.

Совет тузуми, партиямизнинг ленинча миллий сиёсати тантанаси туфайли ўн тўрт миллатдан иборат коллективимизнинг фидокорона меҳнатлари натижасида хўжалигимиз ўсиб ривожланмоқда. Чорвачилик соҳасига фан-техника янгиликлар дадиллик билан жорий этилмоқда. Чорвадорларимизнинг меҳнат шароитлари яхшиланиб, иш унумлари ошиб бормоқда.

Ҳозир хўжалигимиз салмоқли саноат комплексига айланиб бормоқда. Илгари бир киши 60—70 бош чўчқа боқар эди. Эндиликда комплексни дастлабки ишга тушган бўлимларида бир киши гўштга топшириладиган 1800 бош чўчқа боқаяпти. Уларга овқат ва сув бериш, тагини тозалаш сингари ишларнинг ҳаммаси автомат ёрдамида бажарилмоқда. Илгариги оддий чўчқабоқардан Анатолий Китаев, Нина Филипенколар энди юқори малакали оператор ҳисобланадилар.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Конституция лойиҳаси тўғрисидаги нутқидаги **«Деҳқонлар ҳам ўзгардилар. Ҳозирги колхозчи колхозда туғилиб ўсган, унинг психологияси социалистик негизда шаклланган. У замонавий техникани бошқармоқда. Унинг маълумот савияси, унинг ҳаёт тарзи эса кўпинча шаҳарликларникидан қолишмайди»**, деган гаплари айнан бизнинг совхоз ишчиларининг ҳаётига ҳам тўла тааллуқлидир. Меҳнаткашларимиз янгича иш усулларини эгаллаб, ишлаб чиқаришни янада такомиллаштиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шунинг учун коллективимиз Октябрь революциясининг 60 йиллик юбилейи шарафига пландаги 22 минг бош ўрнига 25 минг бош чўчқа боласи олиш, пландаги 2085 тонна ўрнига 2500 тонна гўшт етиштириш мажбуриятини олган.

Хўжалигимизда 1300 бош она чўчқа, 1500 бош бир марта бола олинадиган чўчқалар бор. Ана шуларнинг ҳар юз бошидан 2160 та чўчқа боласи олишимиз лозим. Бундан ташқари гўштга топшириладиган бир бош чўчқанинг тирик вазнини пландаги 107 ўрнига 110 килограммга етказиш мажбуриятини олганмиз.

Ҳар бир ишчига 25 бошдан она чўчқа биркитилган. Улардан 750 бошдан чўчқа боласи олиш учун курашилмоқда.

Гўштга топшириш учун чўчқа боқаётган илғор операторларимиз айниқса самарали меҳнат қилмоқдалар. Улар чўчқаларни кунига белгиланганидан анча ортиқ семиртиришга эришмоқдалар. Масалан, оператор А. Китаев қарамоғидаги 1800 бош чўчқанинг ҳар бирини 500 грамм ўрнига 550 грамм семиртиряпти. Социалистик мусобақа ғолиблари Н. Палиненко, В. Мартиненко сингари операторлар ҳам юқори кўрсаткичларга эришяптилар.

Ҳали биз тўла равишда комплексга ўтиб олганимиз йўқ. Тўғриси, эски қустар усулидан янги саноат комплексига ўтиш жараёнидамиз. Ҳозир комплекс бинолар қурилянти. Қурилиш бинолари битиб саноат комплекси тўла қувват билан ишга тушганида хўжалигимиз йилига ҳозирги 2500 тонна ўрнига 6000 тонна гўшт етиштириш имкониятига эга бўлади.

Жонажон партиямиз раҳнамолигида совет халқига бахт саодат йўли кенг очиб берилган. Уларнинг ҳуқуқлари янада кенгайтирилган янги Конституция лойиҳасини ўқиб руҳланган коллективимиз меҳнаткашлари юксак марраларни эгаллаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Хўжалигимиз аъзолари якдиллик билан янги Конституция лойиҳасини қўллаб-қувватлайдилар.

Т. ОҚТОЕВ,
Қуйи Чирчиқ районидаги Сергели саноат комплекси партия ташкилотининг секретари.

ДУНЁ ОВОЗИ
ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ МАЖЛИСИ

НЬЮ-ЙОРК, 20 июнь. (ТАСС). БМТ хавфсизлик кенгаши бугун ғайри қонуний Смит режимининг Мозамбик Халқ Республикасига ва Африкадаги бошқа мустақил давлатларга қарши аггрессия ҳаракатлари тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишга бағишланган навбатдан ташқари мажлиси ўтказилмоқда.

Хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси Мозамбик президенти С. Машелнинг илтимосига биноан чақирилмоқда. У БМТ бош секретари номига йўллаган мурожаатномасида родезиялик ирқчиларнинг Мозамбикка қарши агрессияси «мисли кўрилмаган даражага» бориб етганлигини айтди. Родезия қўшинларининг Мозамбик территориясига қилган ҳужумлари катта вайронгарчиликларга сабаб бўлганлиги ва мамлакатга анчагина моддий зарар етказганлигини ҳам С. Машел уқтириб ўтди.

БМТ доираларида бу масаланинг муҳокамасига ғоят муҳим аҳамият берилмоқда. Шу муносабат билан бу ердагилар Родезия бўлинмаларининг Мозамбик территориясига бостириб кириши ва Смит ирқчиларининг Африкадаги бошқа мустақил мамлакатлар территориясига қилаётган тўхтовсиз ҳужумлари Зимбабве халқининг миллий озодлик курашини бостиришга қаратилганлигини ҳамда империалистик давлатларнинг жанубий Африка ишларига оқ танли озчилик режимлари тарафида туриб бевосита ҳарбий аралашувига йўл очиш мақсадини кўзлаётганлигини уқтирмоқдалар.

Африка мамлакатлари ва БМТдаги барча тинчликсевар давлатлар шуни таъкидламоқдаларки, агрессордан жавоб беришни қаттиқ талаб қилиш ҳамда Мозамбикка ва Африкадаги барча мустақил давлатларга ирқчиларнинг агрессиясини даф этишда зудлик билан ёрдам ва мадад бериш жаҳон ҳамжамиятининг бурчидир.

БИРДАМЛИК МИТИНГИ

МЕХИКО, 20 июнь. (ТАСС мухбири). Бутун дунё халқларининг, айниқса Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар халқларининг бирдамлиги — Чилидаги сиёсий махбусларни озод қилиш учун курашда ҳал қилувчи омилдир. Чили Компартиясининг Бош секретари Луис Корвалан Мексика халқининг Чили халқи билан бирдамликка бағишлаб бу ерда ўтказилган кўп минг кишилик митингида шу гапларни айтди.

Энг хилма-хил сиёсий партияларнинг, шу жумладан Мексика Коммунистик партиясининг, ҳукмрон институцион—революцион партиянинг, социалистик халқ партиясининг, мамлакатдаги ёшлар, студентлар ташкилотларининг ва бошқа ташкилотларнинг номоянларн Л. Корваланни самимий кутиб олдилар. У ўз нутқида Латин Америкасида фашизмга қарши курашнинг ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, Чилидаги ва Латин Америкасидаги бошқа мамлакатларнинг тараққийпарвар кучларини халққа зид режимларга қарши курашда биргалашиб иш кўришга даъват этди.

Фашист диктатураси Чили халқ бирлиги партиясини тор-мор қилаолганн йўқ, деди Л. Корвалан. Мамлакатда ҳам, унинг ташқарисида ҳам Пиночет ҳунтасига қаршилик кўрсатиш ҳаракати кучайиб бормоқда. Минг-минглаб бегуноҳ қурбонлар учун жаллодлардан қасос олинади. Чилида ва Латин Америкасининг бошқа мамлакатларида демократия ғалаба қозонади.

Чили халқининг кураши билан Мексика бирдамлик комитетининг раҳбари Наталио Васкес Пальярес шу комитет номидан нутқ сўзлади. У Мексиканинг тараққийпарвар кучлари қитъада фашизмга қарши курашга содиқ эканликларини, халқ ва ҳукумат Чили ватанпарварларига бундан буён ҳам ёрдам кўрсатишга шай эканлигини таъкидлаб ўтди.

П. ЕФРЕМОВ.

МАЗЛУМ ХАЛҚЛАРНИНГ ОЗОДЛИГИ УЧУН

ЛУАНДА. Бу ерда Африка бирлиги ташкилоти озодлик комитетининг 29-сессияси бўлиб ўтди. Сессия қатнашчилари Африка қитъасини ирқчилик, эски ва янги мустамлакачиликдан узилкесил ҳалос этиш, мазлум халқларни озод қилиш зарур эканлигини якдиллик билан таъкидладилар.

Сессия қатнашчилари Жанубий Африка Республикаси ва Родезиядаги ирқчи режимларни қаҳр-ғазаб билан қораладилар ва Зимбабве ҳамда Намибия ватанпарварларининг озодлик ва мустақиллик йўлидаги ҳаққоний курашини тамомила қўллаб-қувватлаётганликларини билдирдилар. Делегатларнинг ғоят кўпчилиги Африка халқларининг чинакам юксак мустақиллигига эришишнинг бирдан-бир тўғри йўли сифатида қуролли курашни сўзсиз қўллаб-қувватлаётганлигини изҳор қилди.

(ТАСС, 20 июнь).

КУБАНИНГ ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАРИ

ГАВАНА. Бу қурилиш Куба пойтахтидаги ҳамма аҳоли ва меҳмонларнинг диққат-эътиборини жалб қилмоқда. Революция майдонида Кубада энг баланд оригинал конструкцияли бино кўтарилмоқда. Иншоотнинг лойиҳадаги баландлиги 140 метрга бориши ва унда 3,5 мингдан ошиқ киши ишлаши, комплекснинг умумий планировкаси ҳамда иморат юқоридан пастга қараб қуриб битказилиши — ҳаммаси кишиларни ҳайратга солмоқда. Ҳозирги вақтда дунёда бундай усул билан қурилган баланд иморатлар 20 тага яқинлашади, холос. Кубада эса биринчи бор шундай усулда қурилмоқда.

(ТАСС).

МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРАМИЗ

ХЎЖАЛИГИМИЗДА ҳар йили мўл «қаҳрабо дон» ва кўкпоя етиштирилмоқда. Ўтган йили бригадамиз аъзолари 125 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 55 центнердан маккажўхори дони олишган эди. Шу кунларда бригадамиз аъзоларн Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига янада юксак мажбуриятлар қабул қилиб меҳнат қилишяпти.

«Дала маликаси» парваришн юксак агротехника қоидалари асосида олиб борилмоқда. Майдонлардаги маккажўхориларга учинчи марта комплекс ишлов бериш тугалланди. Сувчилардан Ҳайтбой Жумабоев, Аблаз Раҳмоновлар ҳар бир туп ниҳолнинг қониб сув ичишини таъминлашяпти.

Областимизнинг илғор маккажўхорикорлари ташаббусига қўшилиб ҳар гектар майдондан 100 центнердан макка дони етиштириш мажбуриятини олдик. Бу мажбурият бизга юксак масъулият юклаяпти. Шунинг учун минерал ва маҳаллий ўғитлардан, сув, ишчи кучи, механизмлардан унумли фойдаланиб мўл ва арзон дон ҳосили етиштириш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Бригадамиз аъзоларининг иши ва сўзи бир. Зиммамизга олган юксак мажбуриятимизни ошириб бажариш учун куч-ғайратимизни сарфлаймиз.

Х. ТУРСУНБОЕВ,
Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг маккажўхорикорлик бригадаси бошлиғи.

ЙИҒИМ-ТЕРИМ МАВСУМИГА ШАЙ

БЎКА район бирлашмасининг коллективи пахта териш машиналарини ремонтдан чиқариш ярим йиллик планини «Узсельхозтехника» системасида биринчи бўлиб уддалади. «17ХВ-1,8» маркали 270 та «зангори кема» илғор корхона конвейеридан чиқди. Бу машиналарнинг ҳар бирида 1977 йилги йиғим-терим мавсумига қўйилади деган белги бор. Хўжаликлар 200 та машинани ҳозирдаёқ ишга тушириладиган майдончаларга элтиб қўйишди.

КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорларидан, СССР Конституцияси лойиҳасидан илҳомланган ремонтчилар ўзларининг икки йиллик планини Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача бажаришга, бу йилги терим мавсумигача 400 та комбайнни тайёрлаб қўйишга қарор қилдилар. Бу эса 1977 йилги топшириқда белгиланганидан ўттизта комбайн кўпдир. Беш йилликнинг охири ҳисобига ишлаётган ёш йигувчи слесарь Ийнит Очилов мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

Корхона коллективи техниканинг механизациялашган бутун комплексини йиғим-терим ишларига яхши тайёрлашда районларнинг колхоз ва совхозларига ёрдам бериб келмоқда. Масалан, Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозида ремонтчиларнинг ёрдами билан 28 та терим машинасининг ҳаммаси, шунингдек подборщиклар, погрузчиклар ҳам тўла шай қилиб қўйилди, кўсак чувиш машиналари ва кўрак териш агрегатларининг ремонти ҳам тугал деб қолди.

(ЎзТАГ).

ЖИЛОКОР

Иш куни тугади. Ўткир ҳамкасблари билан хайрлашиб, автобус бекатига равона бўлди. Шаҳарга сўлим оқшом чўккан. Баҳор шабадаси гуллар бўйини кишн димоғига олкелиб уради. Оқшом оғушида шаҳар ўзгача қиёфа касб этган. У йўлка бўйлаб бораркан, нигоҳи бехиҳтёр икки томонда бўй кўрсатиб турган азим биноларга тушди. Улар шаҳар ҳуснига ҳол бўлиб, унга ўзгача гўзаллик бахш этиб турибди. Ҳув анави уйнинг қурилишида унинг бригадаси иштирок этган эди. Мана ҳозир бу уйда юзлаб кишилар яшаяпти. Балкондан пастга қараб турган қизалоққа боқиб бехиҳтёр қаяжонланиб кетди. Кўзларида севинч ёғдуси жилва қилди...

У ўзи қурган биноларни кўрса ҳамиша шундай қувонади. Чунки, ҳали ҳеч нарса йўқ бўшлиқда пойдевордан бошлаб бутунлай янги бир иморат барпо этиладн. Бинонинг ҳар бир қарич ерига меҳр билан ишлов берилади. Айниқса, Ўткирнинг касби шундай. Сувоқчи. Бу касб эгаларини жилокорлар дейишади. Сувоқчилар бинога ўзгача латофат, чирой бахш этишади. У шундай ҳаёллар билан кўнгилга яқин бўлиб қолган, ўзи меҳнати сингган барча бинолари бир-бир санаб кўрди. Бармоқ камлик қиларкан санашга.

Ўткир доммо ўз касбидан фахрланиб юради, бу касбни севади. Қурилишга дастлаб келганида эндигина ўн тўққиз баҳорни кўрган йигитча эди. Бригадада тажрибали ишчилар анчагина бўлиб, Ўткир ўлардан сувоқчиликнинг барча сир-асрорларини ўрганди. Тиниқмсиз ишлади, изланди. Камгап, меҳнатсевар ва тиришқоқ бу йигитча кўп ўтмай коллективда обрў топди. Тажрибали ишчилар қаторидан ўрин олди. Энди у ёшларга ўз касбини ўргата бошлади. Ўткирни янги ташкил этилган бригадага бошлиқ қилиб тайинлашди. Энди касбни яхши билишнинг ўзи кифоя қилмасди. Коллективдагилар билан тил топишиш, билганларини ўргатиш, ташкилотчилик хислатларини ўзлаштириш лозим эди. Бригададагиларнинг кўпчилиги ҳали тажрибасиз ёшлар бўлганлиги учун Ўткир аввало ишни уларга ҳар томонлама ёрдам беришдан бошлади.

—Абдунабн, сувоғинг бир текис чиқмаяпти, шошилма, бунақада бригада номига дог тушириб қўясан. Бизнинг меҳнатимизга кўпроқ ишимизнинг сифатига қараб баҳо беришади.

Абдунабн ўзининг камчилигини кўрдн ва унн тузатишга киришиб кетди.

1974 йили бошқарма коммунистлари Ўткир Олимжоновга юксак ишонч билдирнб, КПСС аъзолигига қабул қилдилар. Коммунист номи унга улкан масъулият юкладн. Бригада истиқболини яхши ўйлаб чиқди. Қўшимча ресурсларни ишга солдн. Коллективнинг ҳар бир аъзосининг ишидаги шахсий масъулиятини оширдн. Шундай қилиб, буларнинг ҳаммаси қувончли ютуқларга омил бўлди.

Ўткир Олимжонов бошлиқ сувоқчилар бригадаси «Главташкентстройнинг пардозлаш трестига қарашли 24-қурилиш бошқармасида Октябрнинг 60 йиллик тўйи шарафига авж олдирилган социалистик мусобақа да пешқадамликни қўлдан бермай келяпти. Ғолиб коллектив ўтган йили 125 минг квадрат метр сувоқ ишларини базжарнб, икки йиллик планни адо этди. Сувоқчилар ўнта объектга жилд беришди. Республикамизнинг ўн беш моҳир бинокори Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллигини муносиб совғалар билан нишонлаш борасида бошлаган ташаббуси Ўткир Олимжонов бригадасини ҳам янги марраларга чорлади. Коллектив бу қутлуғ санани уч ярим йиллик планни бажариш билан кутиб олишга аҳд қилдн. Шаҳар партия комитетининг бюросида Ўткир Олимжонов ана шулар ҳақида гапирдн.

Бугунги кунда Ўткирнинг номи ташаббускорларнинг муносиб издошлари қаторидан жой олдн. Унинг бригадасн айни кунларда «Ўзбекистон» мамший хизмат кўрсатиш уйнинг иккинчи навбатн қурилишида пардозлаш ишларини олиб бормоқда. Аҳил коллектив аъзолари ҳар кунн юзлаб квадрат метр майдонда сифатли пардозлаш ишларини олиб бормоқдалар. Уларнинг меҳнат календарларида ҳозир 1978 йилнинг май ойи.

...Ўткир шаҳар кўчаларн бўйлаб узоқ сайр қилиб юраркан йўл-йўлакай унинг ҳаёлидан ана шулар ўтди. Мана у ҳозир 35 баҳорни қаршиладн. Бу йиллар мобайнида 30 дан ортиқ шогирд тайёрладн. Ҳозир унинг шогирдларини шаҳримизнинг турли қурилишларида учратиш мумкин.

Ўткир Олимжонов пардозлаш трести партия комитетининг аъзоси. Унинг ишлари, кундалик ташвишлари кўп. У ана шундай ташвишларсиз яшай олмайди.

Ўткир ўзи қурган бинолардан бирнинг олдида узоқ турнб қолди...

Ҳаётда инсондан бирон нз қолишн керак. Кўкка бўй чўзиб турган қатор-қатор кўркам бинолар, Ўткир ва у каби қурувчиларнинг ҳаётда қолдирган изларн. Яна йиллар ўтади. Ҳаёт дарёси кўп воқеаларни ўзи билан бирга оқизиб кетади. Лекин, улар бунёд этган бинолар асрлар бўйи кўкка бўй чўзиб тураверади.

К. КАРИМЖОНОВ.

ТАШАББУС ИЗДОШЛАРИ

ҚУРИЛИШЛАР УЧУН

Тошкент районидаги 7-ғишт заводлари бошқармаси ишчилари республикамизнинг кўплаб қурилиш ташкилотларига бинокорлик материаллари етказиб беришяпти. Ҳар ойда корхона меҳнаткашлари қурилиш объектларига миллион донадан ғишт жўнатмоқдалар. Заводнинг азамат ишчилари шонли Октябрнинг 60 йиллигн байрам қилинадиган йилда 47 миллион 500 минг дона ғишт тайёрлаб бериш мажбуриятини олганлар. Шу кунларда улар ваъдаларининг устидан чиқиш учун барча резервларни ишга солишяпти.

Тўлаган Хикматуллаев бошчилигидаги ғишт пишириш цехининг ўз касбига меҳр қўйган ишчилари бараҳали меҳнатлари билан бошқаларга намуна бўлишаяпти. Коллектив меҳнат аҳли давлат планларини доим тўла ва ортиғи билан бажаришга эришмоқда. Цехнинг А. Шокиров, М. Мелиев, Т. Ботирбеков, Р. Петрова, М. Давлетшина сингари илғорлари смена топшириқларини 115—120 процент қилиб адо этмоқдалар.

— Бугунги кўрсаткичларнинг ўзиёқ,—дейди М. Хикматуллаев,— заводимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигн шарафига олган мажбуриятларни ортиғи билан бажаришини кўрсатиб турибди.

Т. ЖЎРАЕВ.

ТАРАҚҚИЁТ ЙИЛЛАРИ

КОМБИНАТИМИЗ 1932 йилда ташкил этилган «Оҳакчи» артелининг замирида вужудга келган. Унинг тарихига бир назар ташласангиз ўтган йиллар ичида комбинат қаддини ростлаб, йирик корхонага айланиб ўсиб борганлигини кўрасиз.

Дастлабки йиллар артелнинг ишлаб чиқариши жуда ҳам оддий бўлган. Унинг маҳсулотини асосан ўша пайтда кундалик турмушда бир мунча зарур бўлган оҳак ва ҳамиш маҳсулотлари ташкил этган.

Мамлакатимиз иқтисодий қудрати юксала бориши билан бевосита районимиз аҳлига кўрсатилаётган маиший хизмат турлари ва сифати ҳам ортди. Сартарошхона, соатсозлик ва этикдўзлик устахоналари фаолият кўрсата бошлади. Кейинчалик кондитер цехи ишга тушди.

Шундан кейинги давр ривожланиш даври бўлди. Иш ҳажми, маҳсулот сифати ортаборди. Коллектив ветеранлари К. Мирзахонов ва Л. Тенлар янги-янги шогирдлар етиштиришди. 1957 йилга келиб корхонада саноат комбинати ва алоҳида тикув фабрикаси иш бошлади.

Сўнгги йиллар район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг ҳодимлари учун бири-биридан қувончли бўлди. Улар аҳолининг кун сайин ўсиб бораётган талабларини қондириш юзасидан катта ютуқларга эришмоқдалар. КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорлари асосида хизмат турлари кўпайтирилаётир.

Бугунги кунда биз 45 турда хизмат кўрсатаяпмиз. Маиший хизмат уйлари, бош кийимлари, пойафзал ва соатсозлик устахоналари, сартарошхоналар сони 107 тага етди. Районимизнинг йирик шаҳарларидан Туйтепада 21, Бектемирда 25 та турли хилдаги устахоналар мавжуд.

Илғор усуллар, форма ва методларни коллективимизда дарҳол жорий қилаяпмиз. Ҳозир 8 жойда комплекс қабул пунктлари ишлаб турибди. Уларда сим тўрлардан тортиб халқ хўжалигининг кўпгина бошқа майда предметларини ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирганмиз.

Кўпгина жойларда бригада ишлаб чиқариш усулига ўтдик. Бу қўл меҳнатини қисқартириш билан бирга бажариладиган операцияларни ҳам енгиллаштиради. Бинобарин, меҳнат унумдорлиги ортади. Ана шу илғор методлар асосида комбинатимиз коллективи ўтган йил планини 836 минг ўрнига 854 минг сўм қилиб бажарди.

Район меҳнаткашларига яратилаётган яна бир қулайлик кўчма хизмат бўлди. Маҳсус ажратилган машина колхозлар бўйлаб ҳар хил маиший юмушларни бажаради. Ҳамма асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу машинада ёз ва куз мавсумида сартарош, этикдўз ва бичиқчи бўлади. Колхозчининг қимматли вақти тежалиб, даланинг ўзида пойафзалини ремонт қилдиради, қийим-кечак заказ беради. Фотографларимиз меҳнаткашларнинг хонадонларида хизмат кўрсатишмоқда.

6 жойда маиший хизмат уйлари мавжуд. «Коммунизм», «Северний маяк», Ким Пен Хва номли колхозлардаги корхоналар чеварларининг иши айниқса сифатли ва унумли бўлмоқда. Район марказидаги «Чевар» маиший хизмат уйининг 350 нафардан зиёд хотин-қизлари ҳам сидқидилдан меҳнат қилишаяпти.

Барча қатори биз ҳам юбилейга муносиб совға хозирдаш мақсадида самарали меҳнат қиляпмиз. Барча ходимимиз зиммаларидаги план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажариш учун курашишаётир. Ўн тўртлар ташаббусига қўшилиб 5 йилликни 3 йилда бажариш мажбуриятини олган Г. Клеймон ва А. Лирсен каби илғор тикувчиларимиз, С. Муратова, Н. Костина ҳамда С. Шарипов, Л. Османова сингари ишчи хизматчиларимиз планларини ойма-ой бажариб келишаяпти. Шунинг эвазига комбинатимиз хизмат турлари бўйича 4 ойлик планини мўлжалдаги 325,3 минг ўрнига 328,4 минг сўм қилиб бажарди.

Келгусида аҳолига намунали хизмат кўрсатиб, халқ турмуш даражасини янада ошириш йўлида куч-ғайрат сарфлайверамиз.

Т. ҚАМБАРОВА,
Ўрта Чирчиқ район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг директори.




БУДАПЕШТ. Венгрияда радиация даражасини ўлчовчи аппарат яратилди. У медицинада ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган тадқиқотларда кенг қўлланилади. Суратда: аппарат синовдан ўтказилмоқда.

МТИ—ТАСС фотоси.

АНАСТАСИЯ ЧУДНАЯНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ҚИБРАЙ. (Тошкент области), 20 июнь. (ЎзТАГ). «Красний водопад» экспериментал базасидан СССР Давлат мукофотининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони сут соғувчи Анастасия Ивановна Чуднай биринчи ярим йилда ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини бажарди. У ўзига биркитилган 170 бош сигирдан йил бошидан буён 355 тонна — ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўп сут соғиб олди. Ҳар центнер маҳсулот етиштиришга кетадиган меҳнат сарфи анча камайди.

Кўпгина сермеҳнат операцияларни механизациялаштириш, «Тандем» маркали соғиш установкаларидан самарали фойдаланиш туфайли бундай муваффақиятга эришилди. А. Чуднай Эстониядаги «Вильянди» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони сут соғувчи Лейда Пейпс билан мусобақалашиб беш йилликнинг иккинчи йилида ҳар бир бош сигирдан 4100 килограмм сут соғиб олишга аҳд қилди.



ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

ПАРТИЯ ташкилотимиз йиғилиши кун тартибига меҳнат самарадорлигини ошириш масаласи қўйилган эди. Докладдан кейин музокара бошланди. Минбарга ёш коммунист У. Дусебоева чиқди. У фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этиш, техникадан унумли фойдаланиш ҳақида сўзларкан, қимматли таклифни ўртага ташлади:

— Сув танқислиги пайтида биз кўпроқ маҳаллий ўғитдан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Маҳаллий ўғит ерда намни узоқ сақлайди, ернинг структурасини яхшилайди, элементлар миздига яхши сингади. Аммо, ҳали ҳам ўғитни қўлда ташиймиз. Бу кўп меҳнат ва вақтни талаб қилади.

Залда ўтирганлар орасида говур-гувур кўтарилди. Нотиқ хиёл тин олди-да, яна давом этди.

— Орамизда шу ишни техника елкасига юклай оладиган азаматлар йўқ дейсизми, бор. Очиғини айтсам, ўзим ҳам айрим режаларни тузганман.

Ёш коммунист У. Дусебоева бўлажак механизмнинг техник белгилари ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этди. Унинг сўзларидан бу соҳада бир қатор адабиётлар билан танишиб чиққани, атрофлича ўргангани кўриниб турарди.

Мажлис иштирокчилари аввалига иккиланиб туришди. Лекин нотиқнинг асосли далиллари ўтирганларнинг қизиқишини орттирди. Сўнг яна бир неча киши сўзга чиқиб, таклифни маъқуллади ва айрим қўшимчалар киритилди.

Шубҳасиз бир мажлисда тугал гап айтиш қийин эди. Шунинг учун ҳам мажлис қарори билан бу масалани ишлаб чиқиш бўйича комиссия тузилди. Қарор ижроси билан бевосита партия бюроси шуғулланиб борди.

Кўп изланиш, қийинчиликлардан сўнг ниҳоят шундай агрегат ишлаб чиқилди. Мана, ҳозир деярлик ҳар бир бригадада шундай ускуна бор. У трактор орқасига тиркалади. Агрегат ғўза ораларига бир меёрда маҳаллий ўғит сочади. Янгиликнинг шарофати билан оғир қўл меҳнатини талаб қилувчи жараён механизациялаштирилди.

Бу партия ташкилотининг ёш коммунистлар ташаббускорлигини ошириш борасида олиб бораётган ишларининг, натижасидир. Коммунист доимо янгилик учун кураши, фақатгина ўз иши учунгина эмас, умум иши учун жон куйдириши, қийинчиликлардан қўрқмаслиги, тинмай ўз устида ишлаши лозим. Шундагина юксак ва шарафли номга яраша иш тутган бўлади.

Биз партияга қабул ва ёш коммунистлар билан ишлашнинг форма ва методларидан кенг фойдаланмоқдамиз. Уларнинг партия йиғилишларига тайёргарлик ва уни ўтказишдаги активлиги таъминланмоқда. Кун тартибига кўпчиликни қизиқтирган энг муҳим масалалар қўйилар экан, турли участкаларда ишлаётган ёш коммунистларни йиғиб, уларнинг иш жойи, қобилиятига яраша топшириқлар берамиз. Улар докладларни коллектив суратда тайёрлашда иштирок этишади.

Ёш коммунистларни тарбиялашнинг муҳим формаларидан яна бири кишининг тажрибаси, ташкилотчилик қобилиятига қараб партия топшириқлари беришдир. Бизда ҳар бир КПСС аъзоси доимий ёки вақтинча топшириққа эга.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Биз коммунистларнинг партия топшириғини, хизмат ва ижтимоий бурчларини қандай бажараётганликлари, ўз сиёсий билимларини қанчалик ошираётганликлари тўғрисида ахборотлар эшитиб борамиз. Илғор тажрибалар пропаганда қилинади, камчиликлар кўрсатилади, маслаҳатлар берилади.

Колхоз партия ташкилоти ҳузурида ёш коммунистлар мактаби ишлаб турибди. Ёшлар КПСС Устави ва Программасини ўрганадилар. Партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишлар билан чуқур таништадилар. Мактабда партия ва ҳукуматимизнинг қарор ва кўрсатмаларини ўрганишади. КПСС XXV съезди материаллари бўйича лекциялар эшитишади, суҳбатлар ўтказилади.

КПСС Марказий Комитетининг «Қирғизистон партия ташкилотларида партияга қабул ва КПСС аъзолигига кандидатларни тарбиялаш соҳасидаги ишлари тўғрисида» қабул қилган қарори асосида партиявий-ташкилий ишларнинг даражасини ошириб бормоқдамиз. Партияга қабул ва ёш коммунистларни тарбиялаш масаласи партия мажлисларида бир неча марта муҳокама этилди.

Партия ташкилотимизда 235 коммунист бўлиб, улар ўн цех партия ташкилотига бирлашган. Етти киши КПСС аъзолигига кандидат бўлиб, уларнинг асосий қисми комсомол орқали қабул қилинган. Сафимизда ёш коммунистлар кўпчиликни ташкил этади. Шуни ҳисобга олиб партия ветеранларини ёш коммунистларга бириктириб қўйганмиз. Ёшлар улардан партиявий-ташкилий, ишлаб чиқариш ва бошқа масалалар бўйича бой тажрибаларни ўрганадилар.

Кейинги вақтларда бир қатор ёш коммунистларни раҳбарлик вазифаларига кўтардик. Улар ишончимизни оқлашяпти. Масалан, ёш коммунистлардан К. Пирнабоев, А. Иўлдошевни бригада бошлиғи ёрдамчилари қилиб тайинладик. Улар меҳнат қилаётган коллективлар юбилей йилида 40 центнердан ошириб «оқ олтин» ҳосили кўтаришга ваъда беришган.

У. Раҳимбердиев, С. Чен икки йил бригада бошлиғига ёрдамчи вазифасида ишлашди. Бу давр ичида тажрибалари янада бойиди, жамоат ишларида актив қатнашдилар. Бу йилдан иккала ёшни бригада бошлиғи вазифасига тайинладик. Ёш коммунистлар раҳбарлик қилаётган икки коллектив юбилей йилида пахта ҳосилдорлигини 43 центнердан оширишга, 200 центнердан каноп пояси олишга сўз беришди.

Партия ташкилотимизда бундай ишчан, ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниққан ёш коммунистлар кўп. Улар юбилей йилида яна ҳам катта муваффақиятларга эришиш мақсадида бутун куч ва ғайратларини ишга солмоқдалар.

Хўжалигимиз аҳли ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида 1450 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 43 центнердан ,канопдан эса 200 центнердан ҳосил олишга бел боғлашган. Ана шу марра учун курашда ёш коммунистлар олдинги сафда боришаяпти. Улар янгидан-янги таклифлар билан чиқишмоқда.

Ёш коммунистлар билан олиб бораётган ишларимиз яхши натижалар бермоқда. Албатта, эришилган бу муваффақиятлар билан чегараланиб қолмаймиз. Бу ишнинг форма ва методларини янада такомиллаштиришга интиламиз.

С. ТЕН,
Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

ТОШКЕНТ булка-кондитер бирлашмаси меҳнат аҳли юбилей олди мусобақасини қизитиб, шаҳарликлар дастурхонига пландан ташқари кўплаб турли шириншакар маҳсулотлар етказиб беришмоқда. Феруза Дўсматова мусобақа пешқадамларидан. У планнинг муттасил бир ярим ҳисса қилиб адо этиб келяпти. Суратда: бирлашма директори Р. Аббосова пешқадам қандолатчи ишини кузатмоқда.

А. Абалян фотоси.

БУЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

ТОШКЕНТ районидаги Киров қишлоқ Советида жойлашган «Узавтотехобслуживание» Тошкент бирлашмасининг 13-станцияси хизматидан буюртмачилар мамнун. Бу ерда ўз касбига меҳр қўйган машина «шифокорлари» ишлашади.

— Станциямиз ишга тушганига ҳали кўп бўлганн йўқ,— дейди техника хизмати станцияси бошлиғи В. Бозунц,— шунга қарамай мижозларимиз тобора ортиб бормоқда. Станциямизга бир марта келган киши доимий мижоз бўлиб қолишга ҳаракат қиладн. Негаки улар усталаримизнинг ишидан мамнун бўлиб қай тишмоқда. Шу сабабли ҳам ойлик ва квартал планларини муттасил ошириб бажариб келаяпмиз. Суратларда: (чап дан) социалистик мусобақа ғолиблари В. Лнвандовский ва Ю. Буянов. Ўртада: В. Бозунц В. Костюнин иши сифатини текширмоқда. Унгда Г. Янох.

А. Абалян фотолари.

БАХТ ЮЛДУЗИ

Эргаш ака еттинчи қаватдаги ўз хонасига кирди-да, кўкрагида Олтин Юлдуз порлаб турган костюмини ечди. Стул суянчигига авайлаб кийдирди ва шу заҳоти ялтироқ қора шкафга кўзи тушди. Ўзидан ўзи уялди: «қишлоқи». Хаёлига келган бу сўздан негадир фахрланди шу топда: «қишлоқининг кўксида Қаҳрамонлик Олтин Юлдузи».

Эргаш ака костюмни стул суянчиғидан олиб шкафни очди, чап қўли билан илгични олиб, унга кийдирди ва илиб қўйди. Шкафни ёпиб юмшоқ стулга ўтираркан, дунё ташвишларини бир зумга унутиб, креслога чўкиброқ жойлашди, бошини суянчиққа қўйганича сархуш кўз юмди. Ҳозиргина Химия саноати министрлигидаги знёфат... Министр Константдов пайдо бўлди...

Эргаш ака бундан икки соатгина илгари бўлган воқеаларни бир-бир кўз олдидан ўтказди. Булар унга гўё эртакнамодек туюларди. Лекин факт, шу бугун бўлиб ўтди. Шунинг учун ҳар бир эпизодни хотирасига чуқурроқ жойлаб олиш, кейин буларни ҳамкасбларига оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб бериш мақсадида қайта ўйлай бошлади. Бир-икки қадақ кўтарилгач, бир маҳал қараса министр бу томонга келяпти. У тўғри Эргаш акалар ўтирган стол олдига келди-да, нариги стол ёнида бўш турган стулни олиб, Эргаш аканинг ёнига ўтирди. Эргаш ака аввалига ёш боладек ўзини йўқотиб қўйди. Ҳозиргина, ярим соат муқаддам министрнинг қўлидан номи ёзилган қўл соатни гулдурос қарсаклар садоси остида олганида ҳам бунчалик ҳаяжонланмаган эди. Бироқ, ўртоқ Константдовнинг бир пайтлар Чирчиқ ҳимкомбинатида директор бўлиб ишлагани хаёлига келди-ю, сал ўзини босиб олди. Ўйлаганидек, министр ҳам гапни шундан бошлади:

— Қалай, ўртоқ Пирматов, Чирчиқ жойида турибдими,— у ўртоқларча жилмайди,— комбинатни гуллатиб юрибсиз?

— Раҳмат, раҳмат,—комбинатдан гап очилгач Эргаш ака бутунлай қаяжондан қутулди, Константдовнинг ҳам министрлик расмий салобати йўқолиб, ораларида қандайдир илиқ муносабат пайдо бўлди.

Министр, гарчи ўзи бусиз билса ҳам, комбинатда кейинги йилларда рўй берган ўзгаришларни сўради, ишчиларнинг кайфияти, оилавий шароитлари, ҳатто маошларини сўраб-суриштирди. Столда турган ширин грузин виносидан мўъжаз рюмкаларга қуйиб, аввал Эргаш акага, кейин бошқаларга узатди. Бошқа уч киши ҳам кимёгарлар бўлиб, улар бошқа шаҳарлардан. Эргаш ака шу бугун танишган ҳамкасблари эди.

— Сизнинг, сизларнинг соғлигингиз учун!

Министр ўрнидан турарркан, Эргаш акага қўл узатди:

— Воҳид Қодировичга, ўртоқларингизга мендан салом айтинг...

Воҳид Қодиров Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори. Узоқ йиллардан бери шу ерда ишлайди, ишчидан чиққан.

Эргаш ака ҳайрон бўлиб қолди. Министр буни қаердан топиб қолди экан, тўппа-тўғри келиб «Пирматов» дейди. «Ҳа, боя соат бераётганда эслаб қолган бўлса керак, ҳозир эса бошимдаги дўппимдан топиб келган». Эргаш ака катта залга қаради. Элликка яқин одам орасида ҳақиқатан битта унинг бошида дўппи бор эди...

Дераза дарчасидан кираётган муздай шамол бирдан тезлашиб елвизакка айланди, эшик очилди. Эргаш ака ортига ўгирилди. Остонада ёноқлари қизарган Подвигин пайдо бўлди. У болалардек бетўхтов жилмайиб кириб келмоқда эди.

— Келдингми, Веня, совқотибсан шекилли, юзинг қизариб кетибди.

— Йўқ, исиб кетдим,— кулди ҳамхонаси.

— Э-ҳа, айтганча, бугун сизларда ҳам знёфат бўлганку, қалай, яхши ўтдими?

— Жуда соз,— мамнун давом этди шериги.

В. Подвигин кўкрагида Олтин Юлдуз осиғлиқ костюмини ечди, шкафга илиб қўйди. Кейин, атайлабми, қўлидаги соатининг тасмасини шошилмай, уёқ-буёғига қараб еча бошлади. Эргаш ака дарров тушунди, гарчи уч кун ичида унинг соатига сира эътибор бермаган бўлса ҳам, худди биладигандек гап ютди:

— Веня, соатинг янги бўлиб қолибдими?

У бунга жавобан гардиши олтин ҳалли соатни Эргаш акага узатди. Эргаш ака соатнинг орқасига қаради. Унда чиройли ҳарфлар билан битилган ёзувни ўқиди: «Вениамин Родионович Подвигинга».

ОЧЕРК

Ҳамхонаси «қалай, эўрми?» дегандек унга тикилиб турарди. Эргаш аканинг юзига ҳам табассум ёйилди. Унинг ёшлик шўхлиги тутиб кетди:

— Веня, кўрмасдан алишамизми?

— Чўнтак соатингизгами?

— Йўқ, қўл соатимга.

— Не, шунақами? Қани, қани, бир қўрайлик.

Иккаласи ҳонани тўлдириб кулиб юборишди. Кейин алламаҳалгача бугунги тассуротларини ўртоқлашиб ўтиришдилар.

ВЦСПС XVI съезди делегатлари орасидаги кимёгарларни Химия саноати министрлигига, кон-металлургия ишчи-хизматчиларини Рангли металлургия министрлигига знёфатга таклиф қилишган эди. Улар орасида тошкентлик машҳур кимёгар ва машҳур кончи-металлургга алоҳида эҳтиром сезилиб турди.

— Москвага биринчи келишингизми, Эргаш ака?

— Йўқ, иккинчи. Биринчи марта 1963 йилда келган эдим.

— Унда ҳам делегат бўлибми?— ўйлаб ўтирмай сўради Подвигин.

— Йўқ, коммунистик меҳнат зарбдорларининг Бутуниттифоқ слётига таклиф қилишган эди. Съездлар Саройида «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медалини олиб қайтганман!

— О-хў, ветеран илғор экансиз-ку, ўша пайтда Бутуниттифоқ слётига қатнашган бўлсангиз...— Подвигин оппоқ гилофли одеялни елкасига тортди, ёнбошлаб ҳамхонасига ўгирилиб олди:

— Чамамда, гаганованчилар ҳаракати ўша йили бошланган эди?

— Авж олган эди,— аниқлик киритди Эргаш ака ва у ҳам йигитлардек эпчил ҳаракат билан ёнбошига ўгирилди. Бошидаги ёстиқни тирсаги остига тортди. Гагановачилар ҳаракати ҳақидаги ган уни жонлантириб юборган, кўп воқеалар айқаш-уйқаш бўлиб ёпирилиб келмоқда эди. У буларни бир ипга тизиб олиш учунми, бироз ўйлаб қолди. Шериги унинг муҳим бир гапни айтишга шайланаётганини пайқаган эди:

—Гапираверинг, тун узоқ, ухлармиз...

— 1958 йил, айни кучга тўлган, ишлаб чарчамайдиган йигит пайтим. Ўзим ишлайдиган олтинчи бригадага бригадир бўлиб, ишимиз яхши кетаётган пайт эди. Мени директор кабинетига чақириб, еттинчи бригадага ўтишимни, шу қолоқ участкани илғорлар қаторига олиб чиқишимни таклиф қилишди. Аввалига раҳбарлар роса мақташди, охирида бу иш сенинг қўлингдан келади, сенга ишонганимиз учун айтяпмиз, дейишди.

Икки йил ичида еттинчи бригада илғорлар қаторидан ўрин олди. Мен бунга асосан шахсий намуна кўрсатиш орқали эришдим. Бўлмаса, саккизинчи синфни ҳам тугатмаган одам сиёсат қила оладими? Бригада аъзоларига ҳам ёрдам бердирдим, ҳам бир ярим-икки баравар кўп ишлардим. Одам қилган ишни одам қила олади ,менга эргашишди, етиб ҳам олишди... Кейин 21- ва 14-бригадаларни илғорлар сафига олиб чиқдим...

Қолоқ бригадага ўтиб ишлаб, уни илғорлар сафига олиб чиқиш бўйича гаганованчилик ташаббуси худди мана шу йиллари туғилди... Чирчиқ электрохимия комбинатида бу ташаббус бошланиб, кенг қулоч ёзиб улгурган эди бу даврда...

— Ана шулар эвазига зарбдорлар слётида иштирок этганман,— деди Эргаш ака, ҳикоям тугади, деган оҳангда,— орадан ўн тўрт йил вақт ўтибди, бир ўсмирнинг умри. Менинг наздимда эса худди ўн тўрт кун кундек, худди ўн тўрт кун илгари бўлиб ўтгандек бу воқеалар.

У ҳамхонаси — В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг экскаватор машинисти В. Р. Подвигин билан бундан уч кун аввал йўлда танишди. Тошкент областидан келган бу иккала Социалистик Меҳнат Қаҳрамонига «Россия»дан бир номерни топшириб қўйишди...

Улар ВЦСПСнинг XVI съездига Ўзбекистондан келган 143 делегатнинг иккиси холос...

— Дарҳақиқат, дориламон замонда яшаяпмиз,— жавоб қилди Эргаш ака.— Кеча Съездлар Саройида ўртоқ Брежневнинг докладини тинглаб ўтириб, ҳаяжондан вужудим қизиб кетди. Ҳар бир гапи Совет кишисига ғамхўрлик руҳи билан суғорилган... Шундай қудратли ватанда фаровон турмуш кечираётганингдан тўлқинланиб кетасан киши. Бу турмушга партия ва ҳукуматимизнинг доно сиёсати, меҳнаткаш халқ манфаатини кўзлаб иш тутиши туфайли эришдик.

* * *

Хонадон байрам тусини олди. Қўни-қўшнилар, оғайнилар келишди.



Анвар биринчи сменада экан, отаси билан кетма-кет кириб келди ҳовлига.

— Қалай, ўғлим, комбинат тинчликми?— соғинчини яширмади у.—Ўзингнинг ишларинг яхши кетяптими?

— Ҳаммаси жойида ада, бир ҳафтада нимаям ўзгарарди.

— Ҳа-я, бир ҳафта ўтди-а, менга жуда узоқ кўриниб кетди...

Анвар иккинчи фарзанди, беш йилдан бери отасининг корхонасида, ҳаво тақсимлаш цехида аппаратчи бўлиб ишлаб келяпти. Тошкент Политехника институтининг Чирчиқдаги филиалини тугатади бу йил. Тўнғич қизи Мамлакат ҳам шу институтни тугатди, ўзи билан бирга беш йил ишлади, ҳозир турмуш ўртоғи Эргаш билан Ўзбекистон қийин эришдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида мастер бўлиб ишлаяпти. Мавлуда ҳам ота изидан борди-аммиак цехида аппаратчи. Куёви Зуҳриддин шу корхонада шофёр. Равшан Армияда. Шавкат пойафзал фабрикасида, Алишер ва Аҳмад мактабда...

Бир сўз билан айтганда— ишчи онда. Забардаст оила!..

Оиланинг ярмидан кўп аъзолари — бир корхона фарзандлари!

...Цех эшигидан кириб келиши билан ҳамкасблари қуршаб олишди:

— Ассаломуалайкум, Эргаш ака!

— Салом профессор!

— Ҳурматли хирургимизга саломлар бўлсин!

Булар бригада аъзолари — бригадир Анатолий Питомцев, аппаратчилар Тўлабой Аширбоев, Ефим Кацнельсон, Жўра Тошматов, С. Гарайшин ва М. Абдусаматов ҳамда бошқа цехдошлари эди.

Бир аппаратчи 6 та аппаратда маҳсулот ишлаб чиқаради. Ҳаммасидан бирваракай кўз-қулоқ бўлиб туриш керак. Аппаратларда 280—290 даража иссиқликда металл натрийлари тайёрланади. Ускуналар мураккаб, уларни моҳирона бошқариш учун бой тажриба ва юксак маҳорат зарур.

— Ҳар бир аппарат ремонтсиз 48 сутка ишлаши керак,— дейди бригадир Анатолий Питомцев.— Бизда бу кўрсаткич 56—57 сутка атрофи. Ҳар сменада пландагидан 10 процент кўп маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Бу технология жараёни максимал даражада автоматлашган химия саноатида жуда катта кўрсаткич. Фахр билан айтаманки, бригадамизнинг бундай ютуқларида, илғорлар сафидан тушмаслигимизда ҳурматли «профессоримиз» Пирматовнинг бой тажрибаси ва беқиёс маҳорати муҳим ўрин эгаллайди...

Ҳабибулло ОЛИМЖОНОВ.







МАКТАБЛАР ТАЙЁР

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ШАЙМИСИЗ

МАКТАБЛАРНИ янги ўқув йилига ҳар томонлама намунали тайёрлаш умумхалқ иши бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Бекобод район партия, совет, комсомол ташкилотлари ва маориф ходимлари мактаблар, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари болалар муассасаларини юбилей йили ўқув йилига барвақт ва сифатли қилиб ҳозирлаш юзасидан ажойиб ватанпарварлик ташаббусини бошлаб берган эдилар.

Бу ажойиб ҳаракат область партия комитети томонидан маъқулланди. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги эса бекободликлар ташаббусини жойларда кенг ёйиш юзасидан муҳим тадбирлар белгилади.

Ташаббускор район жамоатчилиги ўз сўзининг устидан чиқди. Шу йилнинг 15 нюнига қадар райондаги барча мактаблар, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари болалар муассасалари 1977—1978 ўқув йилига барвақт ҳозирлаб қўйилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллик юбилейини таълим-тарбия соҳасида юқори кўрсаткичлар билан нишонлашга аҳд қилган педагогик коллективлар ремонт ишларини барвақт тугалладилар.

Социалистик мусобақа қизитиб юборилди. Райондаги 20 та мактаб капитал, 39 мактаб жорий ремонт қилинди. Шунингдек, 2 та мусиқа мактаби, қишлоқ ёшлари сиртдан-қатнаб ўқийдиган ва кечки мактаблар ҳам биринчи сентябрга барвақт тахт қилиб қўйилди. 38 та мактабгача тарбия ва 5 та мактабдан ташқари болалар муассасалари жорий ремонтдан чиқарилди.

Бу орада 5 та мактаб биноси қурилиши тугатилди. Уларда механизаторларнинг 2384 ўғил-қизи таълим олади. Ҳозир қўшимча синф хоналар қуриш ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Бу йил 5 та мактабда 880 ўқувчига мўлжалланган қўшимча синфхоналар очилади. Шунингдек, 1280 ўқувчи ўқийдиган 3 та янги мактаб биноси қурилиши планлаштирилди. 2 та мавжуд мактабда 440 ўринли қўшимча синф хоналар қад кўтаради.

Мактабгача тарбия муассасалари тармоғини кенгайтиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш даврида 3 та болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Уларда 320 кичкинтой тарбия топади. Орадан кўп ўтмай яна бир болалар боғчаси ўғил-қизларни ўз бағрига олади.

Кўплаб кабинетлар ва ўқув устахоналари жиҳозланди. Ҳозир 421 та ўқув кабинети ҳамда 60 га яқин устахона биринчи сентябрга тахт қилиб қўйилди. Шу билан бирга ўндан ортиқ тиш кабинетлари, 50 дан ортиқ медпункт, 52 та ошхона ва 59 та буфет тайёр.

1977—1978 ўқув йилида 35 та ўрта мактабнинг ҳаммасида қишлоқ хўжалик ихтисосларини ўқитиш жорий этилади. Шу мақсадда 1280 ўқувчи ўринли мактабларароро ишлаб чиқариш комбинати ташкил этилди. Олти ёшга тўлган болалар учун эксперимental синфлар очишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Районда ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш иши намунали йўлга қўйилди. 50 минг сўмлик ўқув кўргазмали қуроллар сотиб олинди. Инвентар ва мебеллар учун 75 минг сўмлик маблағ сарфланди. Мактабларни ёқилғи билан таъминлаш жадал олиб борилмоқда.

Пионер ва ўқувчиларнинг соғломлаштириш мавсуми уюшқоқлик билан бошланди. Ҳозир 2 та колхоз ва совхозлараро пионерлар лагери ишлаб турипти. Уларда 8 совхоз ва беш колхоз территорияларида жойлашган мактабларнинг ўқувчилари ёз таштини сурадилар. Пионер ёзи давомида уларда 2500 ўқувчи дам олади. Барча мактабларда соғломлаштириш майдончалари ташкил этилди ва уларга 5 мингдан ортиқ ўқувчи жалб этилди.

Район мактабларида биринчи сентябрга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бошқа амалий ва ташкилий ишлар ҳам ниҳоясига етказилди.

ФЕСТИВАЛЬ ҒОЛИБЛАРИ

ҚАРДОШ Латвия ССР-нинг пойтахти Рига шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ ўнинчи кинофестивали ўзбек киносанъати ходимлари учун ҳам катта ижодий синов бўлди. Фестиваль кунларида «Ўзбекфильм» ҳамда Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар киностудияларида суратга олинган бир неча экран асарлари ҳам муваффақиятли намойиш қилинди.

Фестивалнинг ҳужжатли фильмларга белгиланган биринчи даражали мукофотига «Солдат фронтдан қайтди» фильми ҳам сазовор бўлди. Атоқли кинорежиссёр, СССР халқ артисти Комил Ёрматовнинг тарихийинқилобий мавзуда яратган фильми эса диплом билан тақдирланди.

ДЎСТЛИК РАМЗИ

ОЛИЙ ўқув юртлари студентларининг ўчинчи семестри қайноқ меҳнат палласи бўлиши билан бирга катта тарбиявий мактаб ролини ҳам ўтайди. Ёшлар меҳнат қучоғида янги дўстлар орттирадилар, қардошлик алоқалари қарор топади.

Буни Тошкент Давлат университети билан Лейпциг университети студентлари ўртасида боғланган дўстлик мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу йил тошкентлик ёшлар Германия Демократик Республикасида бўлиб, ўчинчи семестрни Лейпцигдаги кўмир шахтасида ўтказишади.

Карл Маркс номли Лейпциг университети студент курилиш отряди аъзолари Тошкентда тер тўкишади. Улар ТошДУ биология факультети биноси қурилишига яқиндан ёрдам берадилар.

ЯНГИ МАГАЗИН

МЕТАЛЛУРГЛАР шаҳри Олмалиқ тобора чирой очмоқда. Қўли гул бинокорлар янги-янги уйларни, маданий ва маиший биноларни қуриб, фойдаланишга топширмоқдалар.

Яқинда шаҳарнинг Карл Маркс кўчасида янги магазин фойдаланишга топширилди. «Спартак» деб ном берилган бу савдо муассасасидан харидорлар мотоцикл, мотороллер, мопедларнинг турли маркаларини, «Жигули», «Москвич» автомобилларининг запас қисмларини топишлари мумкин. Магазин коллективи ўзининг намунали хизмати билан дастлабки кунлардан олмалиқликларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда.

ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

РЕСПУБЛИКАМИЗнинг кинойилномаси ўз тарихига эга. Бу ижодий тараққиёт Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли юбилейи нишонланадиган йилда яна бир катта саҳифа очади.

Дарҳақиқат, ўзбек киносанъати ходимлари Октябрнинг олтмиш йиллигини муносиб ишлар билан кутиб олишга зўр тараддуд кўришяпти. «Ўзкинохроника» студияси коллективининг ҳам совғалари мўл бўлади.

Бу йил студия элликта қисқа метражли фильм яратишни планлаштириб қўйди. Буларнинг аксарияти юбилейга бағишланган экран асарларидир.

Кинопублицистик фильмлар ҳам эътиборни ўзига жалб қилади. «Тенгдошлар оиласида» деб номланган бадиий лента шулар жумласидан. Бу рангли фильмда Совет ҳокимияти йилларида серқуёш республикамизда юз берган улкан ўзгаришлар, халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар жонли ҳикоя қилинади.

Режиссёр Д. Салимов бошчилигидаги ижодкорлар томонидан суратга олинаётган мазкур асарда Ўзбекистоннинг эртанги истиқболи ҳам ўз аксини топади. К. Хасанов унга операторлик қилмоқда.

СССР халқ артисти Малик Қаюмов бошлиқ ижодий группа эса тўлиқ метражли рангли фильм устида иш олиб боради.

«Тошкент билан учрашув» деб номланган ушбу лентада гўзал шаҳримиз мадҳ қилинади.

«Ўзбекистон: ўнинчи беш йиллик»нинг иккинчи йили» ҳужжатли фильми тамошабинни меҳнатсевар ўзбек халқининг юбилей йилидаги ютуқлари билан таништиради. «Сув ҳам келди», «Ишчи» каби фильмлар экранларга чиқарилади.

Қарши даштини ўзлаштиришда фидокорона меҳнат қилаётган чўлқуварларга бағишланган фильмни яратишга ҳозирлик кўриб қўйилди. Тошкент метрополитени қурилиши ҳам лента ларда ўзининг жонли ифодасини топади.

Улуғ Октябрь байрами арафасида Москвадаги Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Ўзбекистон кунлари ўтказилади. Шу муносабат билан кинооператорлар «Ўзбекистон Совет ҳокимияти йилларида» қисқа метражли фильмини суратга олишни планлаштириб қўйдилар. Ушбу лента кўргазмада томошабинларга намойиш қилинади.

«Ишчи оиласининг бюджети» деган фильм меҳнаткашларда яхши таассурот қолдириши турган гап. Шунингдек, Тошкент тўқимачилик комбинати ҳақида ҳикоя қилувчи экран асари фан ва техника ҳамкорлиги масалаларига бағишланган.

Республикамиз санъат усталари ҳақида бир неча фильм яратилган эди. Бу ҳайрли иш бу йил ҳам давом эттирилади. СССР халқ артистлари Л. Саримсоқова, О. Шомуротоваларга бағишланган лентала шулар жумласидан.

А. АКБАРОВ.





Спорт

ҚИТЪАЛАРАРО КУБОК СОВРИНДОРЛАРИ

СССР баскетболчилари қитъалараро кубок мусобақаларининг сўнгги ўйинини АҚШ командаси билан ўтказдилар.

Ўйин ниҳоятда кескин ва қизиқарли ўтди. Аввалига совет баскетболчилари 26:14 ҳисобида олдинга ўтиб олишди. Кейинчалик гоҳ у, гоҳ бу команда олдинга ўтарди. Асосий вақт тугаганда ҳисоб дуранг—102:102 бўлди. Қўшимча берилган 5 минутда ҳам ғолиб аниқланмади. Яна қўшимча 5 минут тайинланди. Бунда ҳам ҳисоб 132:132 бўлиб қолди. Учинчи берилган қўшимча вақтда АҚШ баскетболчилари халқаро аниқ мўлжалга олиб 149:144 ҳисобида ғолиб келишди. Лекин бу ўйин командамизнинг турнир жадвалидаги ўрнига таъсир қилмади. Совет баскетболчилари қитъалараро кубок мусобақаларида ўнта ўйин ўтказиб, саккизтасида ғолиб келишди ва биринчи ўринни эгаллаб кубок эгаси бўлишди.

ИККИНЧИ ЭШЕЛОНДА

Мамлакат футбол чемпионати иккинчи лигаси қатнашчилари навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар. Буларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Янгиер» — «Химик» — 5:1; «Динамо» — «Орбита» — 2:1, «Амударё» — «Металлург» (Чм) —0:3; «Актюбинец» — «Нефтяник» (Ф) — 1:0; «Металлург» (Мг) — «Ирригатор» — 2:0; «Газовик» — «Автомобилист» — 0:0; «Уралец» — «Хсразм» — 1:1, «Нефтяник» (Тм) — «Пахтачи» — 1:0; «Сигнал» —«Зарафшон» — 3:0, «Хўжанд» — «Олға» — 0:0.

Фрунзенинг «Олға» футболчилари чемпионатда 20 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Навоийнинг «Зарафшон», Термизнинг «Автомобилист» командалари 18 тадан очкога эга. «Янгиер» ҳисобида эса 17 та очко бор.

ГИМНАСТИКАЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Тўрт кун давомида пойтахтимиздаги «Ёшлик» спорт аренасида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети совғини учун спорт гимнастикаси бўйича анъанавий мусобақалар бўлиб ўтди. Бунда Ўзбекистон, Арманистон ва Қирғизистон командалари куч синашдилар.

Ўсмирлар ўртасида тошкентлик спорт мастери Юрий Свечников 106,75 балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Қизлар мусобақасида эса фрунзелик спорт мастери Елена Николаевцева биринчи бўлди.

Умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни олган Ўзбекистон гимнастикачилари совғини эгаси бўлишди.

Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхозида эртаки мева ва сабзавот маҳсулотларини йиғиштириб олиш қизғин тус олган. Совхоз ишчилари етиштирилган кўплаб ҳўл мева ва сабзаватни Иттифоқимизнинг турли шаҳарлари ва саноат марказларига пешма-пеш етказиб бермоқдалар. Суратларда: (юқоридан пастга) совхоз ишчиси Нури Тошалиева олма узяпти. Тўртинчи бригаданинг илғор ишчиси Ойдин Хўжақулова ва бошқалар карам ҳосилини йиғиштириб олмоқдалар.

А. Тўраев фотолари.

ПОЛОТНОЛАРДА ДАВРИМИЗ НАФАСИ

ЎЗБЕКИСТОН тасвирий санъат усталарининг ўнинчи беш йилликда ўз эришмаларида турган муҳим ва масъулиятли вазифалари бор. КПСС XXV съезди белгилаб берган бу вазифалар шундан иборатки, рассомлар жамиятимиз ютуқларини, совет турмуш тарзини, коммунистик инсон характерини янада активроқ пропаганда этишлари, инсон меҳнатини улуғлашлари ҳаяжонга солувчи, бадиий юксак асарлар яратиш бизнинг бурчимиздир. Олдимизда турган асосий мақсад халқимизни, айниқса, ўсиб келаётган авлодни эстетик жиҳатдан тарбиялашдир.

Тажриба синовидан ўтган: қайси бир рассом умум халқ ишида иштирок этса, унинг таланти қайралади, маҳорати пишийди, яратган асарларида ҳаёт жилоси барқ уриб туради. Шу боис ижчи ва дала меҳнаткашлари билан тасвирий санъат аҳли ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш кейинги вақтларда кенг тус олди. Йирик қурилишларда, корхоналарда, колхоз ва совхозларда меҳнат қилаётган коллективлар олдига рассомларнинг ижодий группалари тез-тез бориб туришади. Ижодий сафарнинг бу янгича усули орқали рассом меҳнаткашлар ҳаёти билан яқиндан танишади, совет кишисининг чуқур ва бой руҳий оламини ўзлаштиради, давримиздаги мислсиз ўзгаришларни ўз кўзи билан кўради ва унинг сабабларини англаб етади.

Ўтган йили бир қанча рассомлар бригадалари турли ерларга юборилди. Бинобарин Б. Назаров ва А. Мирзаевлар — БАМга; Б. Бобоев, Г. Абдурахмонов ва М. Содиқовлар — Польша ҳамда ГДРга бордилар. Р. Чориев, Г. Чиганов Ю. Стрельников, А. Байматов, З. Иногомов ва Д. Икромовлар Жиззах чўлида бўлиб, у ерлари чўлқуварлар меҳнати ҳамда ҳаёти билан танишдилар. Бу ижодий сафарлар рассомлар учун қизиқарли ва бой материал берди.

Масалан, биз ёш рассом Алишер Мирзаев устахонасида бўлдик. Устахона БАМга қилинган сафар туфайли бу буюк қурилиш ҳақида турли-туман расмларга, ҳали тугалланмаган варақаларга тўлиб кетган.

— Мен тақдири БАМ билан боғлиқ бўлган кўп кишиларни учратдим,— дейди биз билан суҳбатда А. Мирзаев.—Уларнинг аксарияти романтик ёшлар, кўзлаган мақсадига эришиш учун тиниб-тинчимайдиган, бутун куч-қувватини бахш этадиган, юрагида олови бор замондош тенгқурларимиздир. Сафар менинг учун жуда кўп фойдали ва ибратли бўлди. Кўп нарса ўрганиб қайтдим.

Дарҳақиқат, Алишер ишлари шундан далолат бериб турипти. У БАМ кишиларига бағишлаб қаламда чизилган расмлар сериясини яратди. У «Синтез» ансамбли чангчилар — БАМ қурувчилари меҳмони», «Агитпоезд», «Тинда шаҳрига чиқиш», «БАМ станцияси», «Тиндага бориш йўли» ва бошқа расмларида ўша сафар лаҳзалари таассуротларини худди репортаж қилаётгандек тасвирлайди. Шу боисдан ҳам томошабинлар расмларни кўздан кечирганда асримизнинг буюк қурилишини кўз олдида тасаввур эта олади.

Ёш рассом Бахтиёр Назаровнинг ижодий ишлари ҳам ранг-баранг. У «Ўзбекфильм» киностудиясида экранлаштирувчи рассом бўлиб ишлайди. Телефильмлар яратишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шунингдек у болалар учун диафильмлар суратини чизишга ҳам вақт топади. Айни вақтда республика рассомлар кўргазмасида ўз асарлари билан қатнашиб туради. Шу кунларда унинг устахонаси расмлар чизилаётган дастгоҳлар билан лиқ тўла. Бу ерда у тарихий-революцион мавзуда ҳозирги замон руҳи сингдирилган композиция ва картиналар яратмоқда.

Ўтган йили у БАМда икки ойча ишлаб, у ердан талай этюд ва расмлар олиб келди. Ана шу эскизлари асосида унинг «Биз ҳақда ёзадилар», «Тонг. БАМ», «Шофер Дадабоев портрети», «БАМда тўй» ва бошқа асарлари майдонга келди. Қарши чўлларидан эса чўлқуварлар меҳнатига бағишланган «Биринчи чаноқ», «Сув бўлади» каби полотнолари учун мавзу топиб қайтди.

Ҳозирги кунда рассом ўзбек театрида ва киносида жуда кўп хизмат қилган машҳур актрисамиз, СССР халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова портрети устида ишламоқда. Унинг «Инқилоб ўғли» триптихи эса ўзбек халқининг йирик давлат арбоби, Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатишда жонбозлик кўрсатган отасини қурашчи образини тасвирлашга қаратилган.

Яқинда Ўзбекистон Рассомлар союзи правленеси Бахтиёр Назаровнинг БАМда хизмат қилаётган ўзбек комсомол-ёшлари образини яратган тасвирий полотнолари сериясини республика Ленин комсомоли мукофотига номзод қилиб кўрсатди.

ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Зокир Иногомов Жиззах области пахтакорларининг портретларини чизишга меҳр-муҳаббат билан киришган. Унинг «Чўпон», «Механизатор аёл», «Канал қазувчилар», «Колхоз машзараси», «Ферма» каби янги картиналарида меҳнатсевар колхозчилар, толмас чўпонлар, моҳир сут соғувчилар образлари яратилган. Иногомов Улуғ Октябрь 60 йиллиги тўйига қадар яна кўпгина янги қаҳрамонлар образини рангларга кўчириш ниятида.

Рассом Д. Имомов ҳам бошқа рассомлар сингари кизғин ижодий меҳнатга берилган. У кўпроқ қишлоқ ҳаётини акс эттиришга қизиқади. Имомов қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётини ифода этувчи турқум картиналарини яратиб қўйди.

Рассом Қўчқор Носиров қўпфигурали картиналар яратишга иштиёқманд. У ҳозирги кунда «Ҳамза Шохимардонда» «Азиза Жўраева — биринчи тракторчи қиз», «Метро қурувчилар» каби йирик, қўпфигурали композициялари устида иш олиб бормоқда. Катта асарлар яратиш билан бир қаторда у замондошларимизнинг портретларини чизишга ҳам алоҳида аҳамият бермоқда.

Ёдгорлик яратувчи рассомлар ҳамда амалий санъат усталари кейинги вақтларда янада активлашди. Улар шаҳарларнинг янги архитектурасини, эстетик қиёфасини янгилашда иштирок этишмоқда. Уларнинг сафи ҳар йили ёшлар билан тўлиб бормоқда. Москва, Ленинград, Тошкент олий ўқув юртларини битириб, шу соҳада хизмат қилаётган ёшлар шулар жумласидан.

Шаҳримизда қурилаётган биноларга, айниқса, Тошкент метроси станцияларига хилма-хил нақшлар чизилмоқда. Бу эса шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда. Бу борада кейинги йилларда рассомлардан Ч. Ахмаров, Б. Жалилов, Д. Рўзибоевлар улкан ижодий ишларни амалга оширдилар. Шунингдек, уларнинг ижодий ишлари Ўзбекистон санъати равнақига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Т. ОДИЛБЕКОВ, санъатшунос,
Э. МУҲАМЕДОВ, журналист.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(702500, Ангрен шаҳри, 48-квартал, 1 «в»-уй)
1977 — 78 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА:

Ўзбек тилида: ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, ИНГЛИЗ ТИЛИ, МАТЕМАТИКА, ГЕОГРАФИЯ-БИОЛОГИЯ;

Ўзбек ва рус тилида: УМУМИЙ ТЕХНИКА ПРЕДМЕТЛАРИ ВА МЕҲНАТ; РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ (ўзбек мактаблари учун); РУС ТИЛИ ва АДАБИЁТИ (кенг профилли).

Институтга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича — ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИДАН (ёзма ва оғзаки), СССР ТАРИХИДАН (оғзаки), ЧЕТ ТИЛИДАН (оғзаки);

Математика, умумий техника предметлари мутахассисликлари бўйича — МАТЕМАТИКАДАН (ёзма ва оғзаки), ФИЗИКАДАН (оғзаки), ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИДАН (ёзма);

география мутахассислиги бўйича — ГЕОГРАФИЯДАН (оғзаки), МАТЕМАТИКАДАН (оғзаки), СССР ТАРИХИДАН (оғзаки), ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИДАН (ёзма);

география-биология мутахассислиги бўйича — ГЕОГРАФИЯДАН (оғзаки), БИОЛОГИЯДАН (оғзаки), ХИМИЯДАН (оғзаки), ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИДАН (ёзма);

инглиз тили мутахассислиги бўйича — ИНГЛИЗ ТИЛИДАН (оғзаки), СССР ТАРИХИДАН (оғзаки), ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИДАН (ёзма ва оғзаки).

Ариза институт ректори номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), олий ўқув юртига кириш учун характеристика, медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, меҳнат ёки колхоз дафтарчасидан кўчирма.

Кирувчилар паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорликлари тўғрисидаги ҳужжатни шахсан қурсатадилар.

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА КИРИШ УЧУН АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР 20 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА, КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ — 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА, СТУДЕНТЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИШ 21 АВГУСТДАН 25 АВГУСТГА ҚАДАР ЎТКАЗИЛАДИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети
2-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ ҚОШИДАГИ
149-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1977 — 1978 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: пойафзал деталини бичувчи, кесувчи, тайёрловчи, пойафзал деталларини мустаҳкамлаш ишини биладиган пойафзал затяжкачиси, контролёрлар, слесарь-ремонтчи,

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ва 2 ЙИЛ.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи ва у сердаги туристик, спорт, ҳаваскорлик тўгараклар мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртига қабул қилинганлар тўла давлат таъминотида бўладилар (уч марта овқат ва кийим-бош, практикада ишланган иш ҳақининг бир қисмини оладилар).

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН 15 ва УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти қошида кечки ишчи ёшлар мактаби бор.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

ЎҚИШНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАН ЎҚУВЧИЛАРГА ТЕХНИКУМ ва ИНСТИТУТЛАРГА ИМТИҲОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (ёки паспорт), турар жойидан, саломатлиги ҳақида справка, 6 та фотосурат 3х4 см. ўқиш ёки иш жойидан характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 17.00 гача ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Гавҳар кўчаси, 124-уй (14-автобус, 16-троллейбуснинг сўнгги, 18-трамвай, 103-автобуснинг «Мевазор» бекатлари).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ КАНОП ИПГИРУВ-ТЎҚУВ ФАБРИКАСИГА

слесарлар, газмол ва тўпларни транспортировка қилувчилар, тўқувчилар, лентачилар, урчуқчи касбларига ўқитиш учун шогирдлар

КЕРАК

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАҲАЛЛИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ РЕСПУБЛИКА ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИГА

математик — программаловчи, радиоэлектрон, халқ хўжалигининг барча соҳалари экономист-инженерлари, операторлар, электрон-ҳисоблаш машиналари операторларининг шогирдлари

КЕРАК

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОСЕТЬСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ИХТИСОСЛАШГАН ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

бош бухгалтер, бош бухгалтер ўринбосари, смета-шартнома, ишлаб чиқариш, материал фондлари ва реализация бўлимларининг бошлиқлари; мотористлар, автокранчилар, трактор кранларининг машинистлари, секретарь-машинисткалар

КЕРАК

ТОШКЕНТ КАБЕЛЬ ЗАВОДИГА

бронловчилар, скрутчиклар, прессда ишловчилар, токарлар, слесарлар, электриклар, муҳофаза ходимлари, дурадгорлар, волочильщиклар, кўприк кранларининг кранчилари.

КЕРАК

«ТАШКЕНТПИВО» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

лимонад, Тошкент суви ва пиво қуйиш учун ишчилар, тайёр маҳсулот контролёрлари, бракловчилар ва тайёр маҳсулотларни ва идишларни жойловчилар, электр монтёрлар, газ-электр пайвандчилар, қоровуллар, юк ташувчилар, идишларни тараларга жойловчилар

КЕРАК

Елгизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона. Аҳолини ишга жойлаштириш бўйича марказий ва район пунктлари.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «Қора денгиз тўлқинлари» (бадиий фильм, 3-қисм, 1-серия). 11.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 15.05 — Ҳужжатли фильмлар. 15.45 — «Менда шер бор» (бадиий фильм, 2-серия). 17.05 — «Совет характери». 18.05 — Франция музикаси. 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Болаларга аталган шеърлар. 19.25 — Спортлото. 19.45 — Информацион программа. Кўрсатувдан кейин концерт. 20.45 — Концерт. 21.30 — «Вақт» 22.15 — Футбол. «Шахтёр» — «Қайрат». 23.45 — «Цимбаллар янграйди». 00.15 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Телефильм. 11.50 — Ер остида (кинофильм). 12.30 — Фильм-концерт. 12.55 — «Агар ҳақ бўлсанг» (бадиий фильм). 18.30 — Мультфильм. 18.50 — Нафосат оламида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Информацион программа (Москва). Кўрсатувдан кейин концерт. 20.45 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Фильм-концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.15 — «Пахта ва сув». 22.30 — Ҳужжатли фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун. фильм. 19.45 — Химия. 20.45 — Янгиликлар. 21.00 — Қизиқувчилар экрани. 21.30—Олий ўқув юртларида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш.

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22 VI да Фарғона тонг отгунча.

Кино

ҚИШЛИҚ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ —Картуш; Иккинчи ҳаяжон (катта зал), Сангам (ичик зал, кундуз ва кечқуруи).

Картуш; Иккинчи ҳаяжон — «ЧАПКА» (кундуз ва кечқуруи).

«Айвенго» яхтасининг сири — «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ҚОЗОҒИСТОН», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи).

Ширин аёл — ҲАМЗА номли (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи).

Картуш — «НУКУС» (кундуз ва кечқуруи).

ЁЗГИ БИНОДА

Картуш — «ФЕСТИВАЛЬ».
«Айвенго» яхтасининг сири —«ХИВА».

Тошкент Тўқимачилик комбинати қошидаги
85-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

тўқимачилар ва йигирувчилар тайёрлайдиган группалар га

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-синф маълумотига эга бўлган қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1 йил.

Мутахассислик билан бирга ўрта маълумот берадиган группаларда ўқиш муддати 3 йил.

ЎҚУВЧИЛАР КУНИГА УЧ МАҲАЛ БЕПУЛ ОВҚАТ, КИЙИМ-БОШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ДАВРИДА ИШ ҲАҚИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-СИНФ ҲАЖМИ МАЪЛУМОТИ БИЛАН КИРГАНЛАР КОМБИНАТ ҚОШИДАГИ ИШЧИ-ЁШЛАР МАКТАБИНИНГ 9-СИНФИГА КИРИБ ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, соғлиги тўғрисидаги справка (справка формасини билим юрти беради), турар жойидан справка, 3х4 см. катталикдаги 4 та фотосурат, мактабдан характеристика.

Билим юртининг адреси: 700092, Тошкент шаҳри.92, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 13253. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. 1649.